20___ A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 26 (26), 2020 йил 29 февраль, шанба

ЭНГ КАТТА МАҚСАДИМИЗ – ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИГА ҚУВОНЧ ОЛИБ КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 февраль куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Мирзо Улуғбек тумани Авайхон маҳалласида бунёд этилаётган кўп қаватли уй-жойларни кўздан кечирди.

Бу ерда жами 1 минг 120 та хонадондан иборат 17 та кўп қаватли уйлар қурилиши лойиҳалаштирилган. Бугунги кунда 5 та турар жой қад ростлаб, ички пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Президентимиз хонадонлардан бирини кириб кўрди, уйларнинг қурилиш технологияси ва энергия тежамкорлигига эътибор қаратди.

Ташқи деворлар базальт материали билан қоплангани об-ҳаво таъсирини камайтириб, хонадонларнинг қишда иссиқ, ёзда салқин бўлишини таъминлайди. Яна бир самарали томони – бу тўлиқ маҳаллийлаштирилган маҳсулот.

Давлатимиз раҳбари маҳаллий материалларни кўпроқ ишлатиб, уйларнинг нархини арзон қилиш, уларни турли соҳа вакиллари билан бирга кам таъминланганларга ҳам ажратиш бўйича кўрсатмалар берди. Кредит муддатини узайтириш, ижарага бериш орқали камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш муҳимлигини таъкидлади.

— Шаҳарларда одамлар коммунал хизматлар сифатсизлигидан норози. Биноларни эксплуатация қиладиган барқарор ташкилотлар, малакали кадрлар етишмайди. Янги объектлар эски тармоқларга улаб қўйилади. Бутун квартал бирданига узоқдаги станциядан иситилади. Аслида, ақл билан иш қилинса, коммунал тўловларни 50 фоизгача арзонлаштириш мумкин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Янги мавзеда автоном иссиқлик станцияси қуриш, иморатларни эксплуатация қиладиган ва сифатли хизмат кўрсатадиган замонавий ширкат ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

Ҳудудда яна бир нечта 9, 16 ва битта 25 қаватли турар жой барпо этилиши режалаштирилган. Лойиҳада замонавий қурилиш нормалари билан бирга миллий қадриятларимиз, турли маросимлар учун қулайликлар ҳам инобатга олинган. Барча уйларни 2020 йил сентябрда фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Шунингдек, мактаб, болалар боғчаси, дам олиш ва спорт майдончалари, болалар ўйингоҳлари, кўп қаватли автотураргоҳ барпо этилиши лойиҳалаштирилган.

Бугунги кунда Тошкентнинг саноат, транзит-логистика, инфратузилма имкониятларидан самарали фойдаланиб, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент механика заводининг улкан ҳудуди ва биноларидан самарали фойдаланиш мақсадида ташкил этилган Технопарк ана шундай саноат ҳудудларидан. Давлатимиз раҳбари ўтган йили 28 июнда бу ерга келиб, лойиҳалар тақдимоти билан танишганди.

Технопаркда 2020-2021 йилларда умумий қиймати 393 миллион доллардан зиёд бўлган 15 та корхонани ишга туширишмўлжалланган. Уларда кир ювиш машиналари, ошхона плиталари, совуткич ва музлаткичлар, саноат кондиционерлари, лифт ва эскалаторлар, электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА 27 ФЕВРАЛЬ КУНИ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЎЙИЧА ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

ИККИ ЙИЛ ДАВОМИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКни ривожлантириш дастури доирасида БЮДЖЕТДАН ҚАРИЙБ **10 ТРИЛЛИОН СЎМ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР АЖРАТИЛДИ.**

Президентнинг 2020 йил 18 февралдаги фармони ҳамда қарорига мувофиқ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Маҳалла — туман (шаҳар) — вилоят — республика даражасида тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни камайтиришга масъул лавозимлар жорий қилиниб, **ВЕРТИКАЛ ТИЗИМ ЯРАТИЛДИ.**



Зарур инфратузилма яратиш учун **КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ДИРЕКЦИЯЛАРИГА БЮДЖЕТДАН 100 МИЛЛИАРД СЎМ АЖРАТИЛАДИ.** Улардаги ер участкалари тадбиркорларга бозор қийматида эгалик ҳуқуқи билан сотилади. Ушбу лойиҳа ўзини оқласа, иккинчи ярим йилликда яна қўшимча **150 миллиард сўм** ажратилади.

Камбағаллик юртимизда кўп йиллар **"ЁПИҚ МАВЗУ"** бўлиб келди. Жорий йил 24 январь куни давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу ҳақда очиқ-ойдин гапирди ва тарихимизда биринчи марта **КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ УСТУВОР ВАЗИФА СИФАТИДА БЕЛГИЛАНДИ.**

КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ томонидан танлов эълон қилиниб, энг илғор лойиҳа учун **"СТАРТАП"га 20 МИЛЛИОН** сўм миқдорида **ГРАНТ АЖРАТИЛАДИ.** Ҳокимлар ҳам маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан илғор тадбиркорлик лойиҳаларига грантлар беради.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига ҳар бир ҳудудда **"ИШГА МАРҲАМАТ"** моно-марказлари ҳамда касбга тайёрлаш марказлари ташкил этиб, ишсизларга касбий билим ва кўникмалар, шунингдек, эҳтиёжга қараб хорижий тилларни ҳам ўргатиш вазифаси юклатилди.

Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасидаги маблағларнинг **70** фоизи камбағал аҳолига иш ўрни яратишни назарда тутувчи кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларига йўналтирилиши белгиланди.

1 МАРТДАН БОШЛАБ ИҚТИСОДИЙ КОМПЛЕКС ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РЕЙТИНГ АСОСИДА БАҲОЛАШ ТИЗИМИ ҲАМДА ҲУДУДЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНИШИ ИНДЕКСИ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2020 йил 28 февраль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Ялпи мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлисда Сенат аъзолари томонидан ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ соҳаларида ислоҳотларни изчил давом эттириш, маҳалла ва оила институтини мустаҳкамлаш, бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бир қатор қонун ҳужжатлари ва муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Ялпи мажлис иши Олий Мажлис Сенатининг веб-сайтида ва ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида тўғридан-тўғри намойиш этилди.

Сенат аъзолари янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилишдан бошлади.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти жорий йил 24 январь куни парламентга йўллаган Мурожаатномасида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, фуқаролик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш борасида муҳим қадам қўйиш ва мамлакатимизда узоқ вақтдан бери яшаб келган, бироқ Ўзбекистон Республикаси фуқароси мақомини олмаган юртдошларимиз муаммосини қонунга мувофиқ ҳал этиш юзасидан ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар кўриш зарурлигини қайд этди. 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён истиқомат қилаётган шахсларга Ўзбекистон фуқаролигини автоматик тарзда бериш таклиф этилди. Бу 50 мингга яқин юртдошларимизнинг ҳаётидаги энг жиддий муаммо ҳисобланади.

Қонуннинг амалдаги таҳрири 28 йил аввал қабул қилинганлиги ва унинг деярли барча нормалари эскириб, замон талабларига жавоб бермай қўйганлиги таъкидланди. Қонунда фуқаролик соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунчилик базасини яратиш, шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш ва бекор қилиш борасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш назарда тутилган.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасининг 3-бандига ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар:

Бобир Норбобоевич **Исламов** ўн йил муддатга;

Абдурасул Ғаппорович **Эранов** муддатсиз даврга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига сайлансин.

2. Сайлаубай Аманбаевич **Мамбеткадиров** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимидан озод этилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **Т.Норбоева**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 28 февраль

Президент Шавкат Мирзиёев учрашувда Яшнобод тумани мисолида давлат бошқаруви тизимига ўзгартириш киритиш ҳақида фикр билдирди. Шунингдек, камбағалликни камайтириш бўйича Сирдарё вилоятининг Боёвут ва пойтахтимизнинг Яшнобод тумани намуна бўлиши кераклигини айтди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 29 февраль, 26-сон

ЭНГ КАТТА МАҚСАДИМИЗ – ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИГА ҚУВОНЧ ОЛИБ КИРИШ

Бошланиши 1-бетда

Бу ерда зарур муҳандислик-коммуникация тармоқлари мавжуд. Тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида логистика маркази ташкил этилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш даражаси 35-40 фоиз бўлади. Шунингдек, йилига 186 миллион долларлик экспорт қилиш режалаштирилган.

Президентимиз Технопарк ҳудудида ишга туширилган илк лойиҳа — электрон газ ҳисоблагичлар корхонаси фаолияти билан танишди, маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

50 миллион доллар инвестиция ҳисобига ташкил этилган корхонада йилига 3 миллион дона электрон газ ҳисоблагич тайёрланади. Бу "ақлли" ҳисоблагичларга сим-карта ўрнатилган бўлиб, ишлатилган табиий газ ҳажми ҳақидаги маълумотни онлайн режимда марказий серверга узатади. Шу тариқа ҳисоблашда биллинг тизими жорий этилади ва инсон омили қисқаради.

Ушбу ҳисоблагичлар хавфсизлик жиҳатидан ҳам қулай. Уларга ўрнатилган меъёр ускунаси ортиқча газ босимини пасайтириб, истеъмолчига бир хилда етказиб беради. Бу орқали аҳоли хонадонлари ва иншоотларда ёнғин ёки газдан заҳарланиш каби кўнгилсиз ҳолатларнинг олди олинади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 3,5 миллион дона электрон газ ҳисоблагичга эҳтиёж мавжуд. Корхона ушбу эҳтиёжни бир йилда қоплаб, келгуси йилдан 7,7 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш қувватига эга. Бунинг учун корхона ҳамкори — Италиянинг "Petro Fiorentini" компанияси билан тегишли шартнома тузилган.

Давлатимиз раҳбари корхона фақат сотиш билан чекланиб қолмай, ҳисоблагичларни ўрнатишдан тортиб хизмат кўрсатишгача масъул бўлиши, эксплуатацияга жавоб бериши кераклигини таъкидлади.

— Ҳар бир ишлаб чиқаришга киришишдан олдин стандартни ўйлаш керак. Малакали сервис учун ҳам, экспорт учун ҳам стандарт зарур. Афсуски, биз бу соҳада дунёдан анча ортда қолдик. Жойларда стандарт кафолатини таъминлайдиган кадрлар жуда кам. Шунинг учун мана шундай саноат корхоналарининг ўзида сервис бўйича мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш керак, — деди Президент.

Корхонанинг сервис маркази фаолияти ҳақида маълумот берилди. Бу марказ корхона ва "Ҳудудгазтаъминот" акциядорлик жамияти билан узвий ишлайди. Жорий йилда "Ҳудудгазтаъминот" томонидан 3 миллион 480 минг дона ҳисоблагич ўрнатиш режалаштирилган. Бу ишни ташкил этишда Технопарк сервис марказининг жойлардаги 15 та филиали кўмаклашади. Ҳозирги кунда ушбу филиалларда 150 мутахассис меҳнат қилмоқда. Битта ишчи бир кунда 30 та газ ҳисоблагич ускунаси тўғри ўрнатилганини текшириб, кафолат муддатини беради.

Сервис марказидаги ягона алоқа бўлимида мижозлар мурожаатларига жавоб қайтарилади. Битта оператор кунига 60 тагача қўнғироқни қабул қилади. Сервис марказида ишлаб чиқилган "Texnosoft" дастурий маҳсулоти орқали ўрнатилган газ ҳисоблагичлар сони, тўғри ўрнатилгани назорат қилиб борилади. "Texnosoft" ҳисоблагичларга кафолат муддатини бериш учун аризаларни мутахассисларга тақсимлайди, мижозларга хизмат кўрсатади.

Президентимиз корхона ишлаб чиқарган газ ҳисоблагичлар сифатига жавоб бериши, сервис маркази корхона — "Ҳудудгазтаъминот" — мижоз ўртасида боғлиқликни таъминлаши лозимлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Технопаркда амалга оширилаётган галдаги лойиҳалар, ишлаб чиқарилиши режалаштирилган саноат маҳсулотлари билан ҳам танишди.

Шавкат Мирзиёев Яшнобод туманидаги Мудофаа вазирлигига қарашли Маънавият ва маърифат марказини бориб кўрди.

Бу марказ биноси 1980 йилда қурилган. Ҳозирда унда Қуролли Кучлар ансамбли, Марказий ҳарбий оркестр, "Турон" давлат ҳарбий театри, бичиш-тикиш корхонаси ва болалар тўгараклари жойлашган. Лекин имкониятлардан тўла фойдаланилмаётган эди.

Президент марказ биносини реконструкция қилиб, ундан мақсадли фойдаланиш, давлат-хусусий шериклик асосида кўнгилочар маскан ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Бу ерда концертлар, байрам тадбирлари ўтказилади. Атроф ободонлаштирилиб, тадбиркорлар иштирокида савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари шу ердаги Авиасозлар спорт мажмуасини ҳам кириб кўрди. Унинг ҳудудини ободонлаштириш, спортсеварларга қулайликлар яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, ишсизларни касбга қайта тайёрлаш учун зарур шароит яратилмоқда.

Яшнобод туманида 2019 йил сентябрь ойида фаолият бошлаган "Ишга марҳамат" моно-маркази ана шундай муассасалардан бири. Унда қурилиш, маиший хизмат, техник-муҳандислик каби соҳалар бўйича 22 та касбга ўргатиш йўлга қўйилган. Бунинг учун зарур станоклар, мебель, муляж ва бошқа амалиёт воситалари келтириб ўрнатилган. Марказ йилига 5 минг 600 кишини ўқитиш имкониятига эга.

Бу ерга келган одамга аввал бандлик масалалари бўйича маслаҳат хизмати кўрсатилади. Доимий ишга эга бўлмаса, бўш иш ўринлари таклиф этилади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож мурожаатчилар доимий квотали иш билан таъминланиши ҳам мумкин.

Касбий малака талаб этиладиган ишни танлаганлар шу ердаги ўқув курсига жалб қилинади. Бошқа мамлакатда ишлаш истагини билдирган фуқароларга бу борадаги кўникма ва хорижий тиллар ўргатилади.

Марказда инглиз, япон, хитой, корейс ва рус тилларини ўқитиш бўйича қисқа муддатли курслар фаолият юритмоқда. Хориждаги бир қатор олий ўқув юртлари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Бу ерга ўтган 5 ойда 550 дан зиёд фуқаро мурожаат қилган. Уларнинг асосий қисмини хотин-қизлар ва ёшлар ташкил этган. 267 фуқаро ўқишни битириб, сертификат олган.

Президентимиз марказда яратилган шароитлар билан танишди, уста ва касб ўрганаётган ёшлар билан суҳбатлашди.

Бундай марказлар одамларнинг талаб бор касбларни тезда ўрганиб, ўз ишини топиши учун жуда муҳимлигини, бўш турган коллеж ва бошқа биноларни таъмирлаб, Тошкент шаҳрининг ҳар бир тумани ва барча вилоятларда шундай муассасалар ташкил этиш лозимлигини таъкидлади.

Касб-ҳунар йўналишларини шу ихтисосликдаги ўқув юртларига бириктириб, юқори малакали ўқитувчиларни жалб этиш, шунингдек, кечки сабоқларни ҳам йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Яшнобод тумани раҳбарлари, маҳалла раислари, тадбиркорлар, мактаб ва соғлиқни сақлаш муассасалари вакиллари билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари туманни обод ва осойишта, намунали ҳудудга айлантириш, янги иш ўринлари яратиш, камбағалликка барҳам бериш, таълим сифатини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тинчликни таъминлаш борасида бир қатор ташаббусларини айтди, топшириқлар берди.

— Сизлар билан, халқ орасида юриб, ислоҳотларимизни амалга ошираётган одамлар билан суҳбат қилиб, мавжуд муаммо ва масалаларни очиқ-ойдин муҳокама қилгани келдим. Шунинг учун ёдланган гапларни гапирмасдан, кўпроқ савол бериб, таклифларингизни айтсангизлар хурсанд бўламан, — деди Шавкат Мирзиёев.

Тумандаги 58 маҳаллада 240 минг аҳоли истиқомат қилади. 8 мингдан зиёд фуқаро ишсиз, 10 минг одам ишлаш мақсадида бошқа давлатларга кетган. Демак, Яшнободнинг 18 мингдан зиёд аҳолисига муносиб иш керак.

Давлатимиз раҳбари туманда ишсизликнинг олдини олиш, камбағалликка барҳам бериш мақсадида "Йўл харитаси" ишлаб чиқиш ҳақида топшириқ берди.

— Бир инсоннинг оғирини енгил қилиш Худога ҳам ёқади. Камбағал кишининг ҳам фарзанди бор, ҳаётдан умиди бор. Шунча йил бу ҳақда гапирмадик, яшириб келдик. Энди бунга барҳам берайлик. Камбағалликни йўқотайлик, — деди Президентимиз.

Бунинг учун, аввало, ёшларни бирон касб эгаси қилиб вояга етказиш, янги иш ўринларини кўпайтириш, Яшнобод туманидаги банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатувчи "Ишга марҳамат" моно-маркази шаклидаги марказларни барча туманларда очиш ҳақида фикр билдирилди. Туман ҳокимлари ва бошқа дахлдор ташкилотлар раҳбарларига қисқа вақтда коллежларда маҳалла ёшларини кечки сменада касб-ҳунарга ўқитиш курсларини жорий этиш ҳақида топшириқ берилди.

Давлатимиз раҳбари касб-ҳунар эгаллаган ёшларнинг иш унумдорлиги, оиласига, иқтисодиётимизга фойдаси ҳақида гапирди. Таъкидланганидек, саноатни ривожлантиришда ёшлар кучидан фойдаланиш керак. Бунинг учун улар замонавий дастгоҳларда ишлашни билиши талаб этилади. Шунда уларнинг ойлик маоши ҳам ошади.

Давлатимиз раҳбари соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида муҳим ғояларни айтиб, яна бир муаммо аҳолининг соғлом овқатланиш меъёрларига амал қилмаслигида эканини таъкидлади.

Нуронийларга, оилавий поликлиника шифокорларига маҳаллаларда кенг тарғибот ишларини олиб бориш вазифаси топширилди. Кўпроқ пиёда юриш ва бу борада Яшнобод тумани тажрибасини жорий қилиш таклифи билдирилди.

Учрашувда маҳалла ва оила тизимидаги уйғун ислоҳотлар, жумладан, янги ташкил этилган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолияти ҳақида сўз борди. Жиноят содир этилишининг олдини олиш, ишсизликка, камбағалликка барҳам беришда маҳалланинг роли муҳимлиги таъкидланди.

— Президент сиёсатининг энг катта замини бу — маҳалла тизими. Шу боис маҳалла раиси ва профилактика инспекторларини мажлисларга чақирмаймиз, керак бўлса маҳаллага келиб мажлис қилинади, — деди давлатимиз раҳбари.

Оилавий низоларга, ажрашишларга қарши курашни кўчайтириш кераклиги ҳақида гап борар экан, эндиликда эр-хотинни ажратишда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг рухсати олиниши шартлиги айтилди. Бу борада тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш бўйича топшириқ берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев учрашувда Яшнобод тумани мисолида давлат бошқаруви тизимига ўзгартириш киритиш ҳақида фикр билдирди. Шунингдек, камбағалликни камайтириш бўйича Сирдарё вилоятининг Боёвут ва пойтахтимизнинг Яшнобод тумани намуна бўлиши кераклигини айтди.

Бунда асосий эътибор кам таъминланган оилалар билан ишлаш, хотин-қизлар муаммоларига ечим топиш, бандликни таъминлаш, маҳаллалардаги соғлом муҳитни мустаҳкамлашга қаратилади.

— Ишлаган одамга жамият эътибор қаратадиган замон келди. Тинчлигимизнинг қадрига етиб, пок ва ҳалол бўлиб ҳаракат қилсак, албатта, натижа бўлади. Эртанги кунимизга бефарқ бўлмайлик. Яшнобод ўз номига муносиб яшнаб туриши, қуйи тизимда ишни ташкил қилиш бўйича намуна бўлиши керак, — деди Президентимиз.

Бугун Тошкент пойтахт мақомига муносиб ривожланмоқда. Ислоҳотлар халқимиз ҳаётида аксини топмоқда. Одамларимиз кайфияти ҳам шунга монанд — кўтаринки. Тараққиёт эса давом этади. Бу йўлда давлатимиз раҳбарининг кўрсатмалари, топшириқлари, ташаббуслари муҳим дастуриламал бўлиши шубҳасиз.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Улуғбек АСРОРОВ,
ЎзА муҳбирлари

МУНОСАБАТ

НАФАҚА БЕРИШ БИЛАН КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИБ БЎЛМАЙДИ

МАҲАЛЛАЛАРДА КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИДАГИ ОИЛАЛАР БИЛАН АЛОҲИДА ЁНДАШУВ АСОСИДА ИШ ОЛИБ БОРИЛАДИ. БУНДА УЛАРНИНГ ҲАР БИРИ БИЛАН ИНДИВИДУАЛ СУҲБАТЛАШИБ, МУАММОЛАРИ, ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МАСАЛАЛАРИ ЎРГАНИЛИБ, ТАҲЛИЛ ҚИЛИНАДИ. САБАБЛАР АНИҚЛАНИБ, БУНДАЙ ОИЛАЛАРНИ КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИДАН ЧИҚАРИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛАДИ

Раҳмат МАМАТОВ,
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири, Олий Мажлис Сенати аъзоси

Куни кеча давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида тадбиркорликни ривожлантириш ва касбга тайёрлаш орқали камбағалликни камайтириш чоралари муҳокама қилинди.

Йиғилишда Президентимиз: *"Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 12-15 фоиз ёки 4-5 миллион аҳолимиз камбағал. Бу уларнинг бир кунлик даромади 10-13 минг сўмдан ошмаяпти, дегани. Ёки бир оилада машина ҳам, чорва ҳам бўлиши мумкин, лекин бир киши оғир касал бўлса, оила даромадининг камида 70 фоизи уни даволатишга кетади. Хўш, бундай оилани ўзига тўқ дейиш мумкинми? Президент сифатида мени одамларимизнинг овқатланиши, даволаниши, болаларини ўқитиши, кийинтириши каби ҳаётий эҳтиёжлари нима бўляпти, деган савол ҳар куни қийнайди"*, дея алоҳида таъкидлади.

Албатта, бу кўрсаткичлар шунчаки рақамлар эмас, балки унинг ортида неча-неча инсон ҳаёти, уларнинг келажак тақдири ётибди. Тан олиш лозим, бугунгача камбағаллик ҳолатидан хабардор бўлса-да, бирорта раҳбар бу хусусда сўз очолмаган.

Президентимиз ушбу долзарб масалага эътибор қаратар экан, кам таъминланган аҳоли вакилларини доимий даромад манбаи билан таъминлаш, бу орқали жамиятда камбағалликни камайтиришни энг устувор вазифа сифатида белгилаб берди. Хусусан, ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ёки улар миқдорини ошириш орқали камбағаллик муаммосини ҳал қилиб бўлмаслиги, бу муаммони тўла ечиш учун аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсонларнинг ички салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Худди шу мақсадларда Жаҳон банки, БМТнинг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга камбағалликка қарши курашишнинг ўрта ва узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш таклифи киритилгани халқимизнинг дилидаги гап бўлди.

Йиғилишда, аввало, ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят даражасидаги ҳақиқий шароит ва аҳволни таҳлил қилиш кераклиги қайд этилди. Бунинг учун биринчи босқичда камбағалликка оид реал аҳвол, яъни маҳаллалардаги даромади кам оилалар сони ҳақида маълумот йиғилиши, иккинчи босқичда туман ва шаҳарнинг салоҳияти, табиий ресурслари, ер ва инфратузилма имкониятлари харитаси тузилиши белгиланди.

Алоҳида қайд этиш керакки, маҳалла — туман (шаҳар) — вилоят — республика даражасида тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни камайтиришга масъул лавозимлар жорий қилиниб, вертикал тизим яратилгани, Бош вазирнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими ҳамда ҳукуматда алоҳида котибият ташкил этилгани айни йўналишдаги муаммолар ечимида муҳим аҳамият касб этади.

Аҳолини тадбиркорликка ўргатиш, касбий малакасини ошириш орқали камбағалликни камайтириш энг асосий масала ҳисобланади. Шу маънода, эндиликда тадбиркорлик яхши ривожланган ва аҳоли зич жойлашган ҳудудлар атрофида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ва бўш турган ер майдонларида кичик саноат зоналари ташкил этилади. Улардаги ер участкалари тадбиркорларга бозор қийматида эгалик ҳуқуқи билан сотилади. Шунингдек, эндиликда оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасидаги маблағларнинг 70 фоизи камбағал аҳолига иш ўрни яратишни назарда тутувчи кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларига йўналтирилади. Камбағал кишини ишга олган корхоналарга банк кредитлари бўйича қулайликлар берилади.

Йиғилишда талаб бор жойларга малакали мутахассислар етказиб бериш, бандликни таъминлаш учун ҳар бир ҳудудда ишсиз аҳолини тадбиркорликка ўқитиш курслари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Унга кўра, касбга ўқиш истагини билдирган ёлғиз ва кўп фарзандли аёллар, ишсизлар учун кундалик ҳаётда эҳтиёж юқори бўлган ҳунарлар, хусусан, тикувчилик, пазандалик, сартарошлик ва бошқа йўналишларда касбга ўргатиш курслари ташкил этилади.

Видеоселекторда вазирлик томонидан амалга оширилиши зарур бўлган қатор вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, эндиликда маҳалла идораларида касбга ўргатиш курслари учун алоҳида жой ажратилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланади. "Маҳалла гузарларида касбга ўқитиш дастури" ишлаб чиқилиб, талабгорлар рўйхати шакллантирилади.

Маҳаллаларда камбағаллик даражасидаги оилалар билан алоҳида ёндашув асосида иш олиб борилади. Камбағалликни келтириб чиқараётган сабаблар аниқланиб, бундай оилалар рўйхати шакллантирилади ва тадбиркорликни ривожлантириш учун тижорат банкларига тақдим этилади.

Камбағаллик айб эмас, деган нақл бор халқимизда. Қўликалталик ҳеч кимга ҳавас эмас, албатта. Инсон бой ёки қашшоқ бўлиб дунёга келмайди. Аҳоли турмуш фаровонлигининг юқори ёки паст бўлиши давлат сиёсатига ҳам бевосита, ҳам билвосита боғлиқ. Шу маънода, Президентимиз алоҳида таъкидлаб ўтдики, камбағаллик биргина ўша оиланинг муаммоси эмас, у ўша ҳудуддаги масъул ташкилотларнинг ҳам айбидир.

Негаки жамият қайсидир вазиятда уларни қўллаб-қувватлашда сусткашликка йўл қўйган, улар доимий назоратда бўлмаган, берилган маблағлар мақсадли ишлатилмаган ва оқибатда шундай тоифадаги оилалар вужудга келган. Камбағал одам ўз-ўзидан ўзгара олмайди, қуруқ даъват билан муаммоларни енгиб ўтолмайди. Давлат ва жамият унга ёрдам қўлини узатиши, имконият яратиб бериши лозим.

Давлатимиз раҳбари олдимизга яна шундай вазифани қўйди. Яъни энди камбағал инсонлар ҳаётда ўз йўлини топиши учун турли йўналишларда кўмак кўрсатиладиган бўлди. Вазирлигимиз томонидан ҳам алоҳида "йўл харитаси" ишлаб чиқилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёки кам таъминланган ҳар бир фуқарони қўллаб-қувватлаб, керак бўлса, уларни ўқитиб, камбағаллик даражасидан чиқариш чораларини кўрамиз.

УЧРАШУВ

Самарқандда уруғчилик компанияси ташкил этилади

Соҳиба МУЛЛАЕВА

Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг Гужарат штати ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик доирасида Самарқанд вилоятида 20 гектар ер майдонида элита уруғлик ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Инновацион ривожланиш вазирлигида "Nath Bio-Genes" компанияси вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда бу борада ҳамкорликда бажариладиган ишлар муҳокама қилинди.

Уруғ яхши бўлмас экан, ернинг ҳосилдорлиги ҳам, деҳқоннинг меҳнати ҳам ўз аҳамиятини йўқотади. Ана шу мезон бугун уруғчилик соҳасида жаҳон тажрибасини ўрганиш зарурлигини кўрсатиб турибди.

— Айни пайтда "Nath Bio-Genes" компанияси илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда элита пахта чигитини ишлаб чиқариш, саралаш, қадоқлаш ва экспорт қилишга ихтисослашган қўшма корхона ташкил этишга доир ташкилий масалаларни ўрганмоқда, — деди Инновацион ривожланиш вазирлиги матбуот котиби Назокат Абдукундузова. — Ўзбек-ҳинд уруғчилик қўшма корхонаси Пахтачи туманидаги "Mirzayev Shuhrat Kenjayevich" фермер хўжалиги негизида тўғридан-тўғри инвестициялар киритиш йўли билан ишга туширилади ва унинг фаолияти Ҳиндистон технологияларидан фойдаланган ҳолда пахта, маккажўхори ва турли сабзавотларнинг асл уруғликларини етиштиришдан то экспорт қилишгача бўлган жараённи қамраб олади.

Тадбирда меҳмонлар хориж инвесторларини мамлакатимизга кенгроқ жалб этиш мақсадида Ҳиндистоннинг йирик молиявий, ташқи иқтисодий ва саноат маркази бўлмиш Мумбайда Инновацион ривожланиш вазирлигининг ваколатхонасини очиш таклифини берди. Бундан ташқари, Андижонда бўлиб ўтган қишлоқ хўжалигидаги илғор технологиялар ва инновацион ишланмалар минтақавий кўргазмасидаги иштироки ҳиндистонлик мутахассислар учун ҳудуд иқлими ва шароитини ўрганишга имкон берилгани таъкидланди.

Меҳмонларнинг юртимизга ташрифи доирасида Ўзбекистоннинг уруғчилик, ўсимликлар карантини ва қишлоқ хўжалиги соҳасига ихтисослашган тегишли идоралари билан ҳам учрашувлар ўтказилади.

Махсус фанлар билимдони

Н. АҲМЕДОВА

Юртимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш, ёшлар онгига ҳалоллик ва поклик туйғуларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини сингдириб бориш, мустақил ва эркин фикрловчи, қатъий эътиқодга эга бўлган билимли, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш эзгу мақсадимиздир.

Ички ишлар вазирлигининг Хоразм академик лицейида "Энг яхши махсус фанлар билимдони" танлови бўлиб ўтди. Учта шартдан иборат мазкур танлов натижасига кўра, лицей ўқувчиси Мухлиса Омонова "Энг яхши махсус фанлар билимдони" деб топилди. Шунингдек, билим ва иқтидорини намойиш этган бошқа ўқувчилар ҳам фахрли ўринларни эгаллади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Бошланиши 1-бетда

Қонун билан мустаҳкамланаётган янги нормалар ҳақида сўз борганда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари бўйича комиссиянинг мақоми, асосий вазифалари ва ваколатлари белгилаб қўйилганлиги қайд этилди. Бундан ташқари, туғилган жойи ёки ота-онасининг фуқаролиги бўйича болаларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини белгилаш тартиби мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларини кўриб чиқишда идоралараро электрон ҳамкорлик механизмлари назарда тутилган.

Сўзга чиққанлар қонун қабул қилиниши билан соҳага доир қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти бир хилда бўлиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминланишига хизмат қилишини таъкидлади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра парламентнинг юқори палатаси аъзолари “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқди.

Қонун Давлат статистикаси қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилганлиги таъкидланди.

Сўзга чиққанлар қонуннинг мақсади аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат эканлигини қайд этди. Аҳолини рўйхатга олиш — бу Ўзбекистон Республикасининг аҳолиси тўғрисида ишончли ва холис ахборот йиғиш. Аҳолини рўйхатга олишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: даврийлик; умумийлик ва бир пайтдалик; рўйхатга олишнинг якка тартибдалиги (номма-номлиги); шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги; аҳолини рўйхатга олишни бошқаришнинг марказлаштирилганлиги.

Қонунда аҳолини рўйхатга олишнинг қуйидаги асосий вазифалари белгиланмоқда: оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида аҳоли таркибидаги, демографик вазиятдаги ўзгаришларни баҳолашга доир маълумотлар базасини кенгайтириш; аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва болалар учун шарт-шароитларни яхшилаш, шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг, меҳнат ресурсларини жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланишнинг узоқ, ўрта ва қисқа муддатли прогнозлари ҳамда дастурларини тайёрлаш; аҳолини рўйхатга олишлар оралиғидаги даврда аҳоли сони ва таркибининг жорий ҳисобини, ҳисоб-китобларини ҳамда прогнозларини амалга ошириш; ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш.

Аҳолини рўйхатга олиш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича республика комиссияси, аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари, уларнинг бу соҳадаги ваколатлари очиб берилади.

Шу билан бирга, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳолини рўйхатга олишдаги иштироки назарда тутилмоқда, шунингдек, респондентлар ва рўйхатга олувчи ходимларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари очиб берилмоқда.

Сенаторлар таъкидлаганидек, қонун қабул қилиниши халқаро стандартларга жавоб берадиган, аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги муносабатларни тизимли ва комплекс тартибга соладиган мослашувчан ва очиқ-ошкора ҳуқуқий доираларни яратишни давом эттиришга ҳамда бир қатор долзарб вазифаларни бажаришга кўмаклашади. Жумладан, аҳоли таркибида юз берган глобал ўзгаришларни баҳолаш, демографик сиёсатни, одамлар саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва болалар ҳолатини яхшилаш, шунингдек, Барқарор тараққиёт миллий мақсадларини шакллантириш ва мониторинг қилиш каби вазифаларни бажариш таъминланади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар янги таҳрирдаги “Метрология тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқди.

Қайд этилганидек, мазкур қонун қонун ҳужжатларини метрология соҳасидаги халқаро ҳужжатлар талабларига мувофиқлаштириш ва қонун нормаларини ҳукуматлараро “Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида келишилган сиёсатни амалга ошириш тўғрисидаги келишув” иштирокчи давлатлари миллий қонун ҳужжатлари ва ўлчашлар бирлилигини таъминлаш соҳасидаги асос бўлувчи давлатлараро ҳужжатларнинг қоидаларига уйғунлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилди.

“Метрология тўғрисида”ги амалдаги қонуннинг кейинги моддалари бир хилда талқин қилинишини таъминлаш учун асосий тушунчалар “давлат метрология хизмати”, “метрологик кузатувчанлик”, “ўлчашлар аниқлигининг кўрсаткичи” каби терминлар билан тўлдирилмоқда. Бундай терминлар киритилиши билан “ўлчаш воситаларини қиёслаш” ва “метрология хизмати” терминларининг таърифи ўзгартирилмоқда.

Бундан ташқари, ўлчаш бирлигини таъминлаш соҳасида фаолият олиб бораётган субъектлар, хусусан, давлат метрология хизмати, давлат бошқаруви органларининг метрология хизматлари ва юридик шахслар метрология хизматлари томонидан метрология назоратини ўтказиш ҳуқуқлари белгиланмоқда. Шунингдек, алоҳида моддаларда метрология хизматларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мустаҳкамланмоқда.

Қонунда ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашга оид норматив ҳужжатлар турларининг қуйидаги рўйхати белгиланмоқда: ўлчаш воситаларини қиёслаш услубиёти; ўлчаш воситаларини калибрлаш услубиёти; ўлчашларнинг бажариш услубиёти; синов воситаларини аттестация қилиш услубиёти.

Сенаторлар томонидан таъкидланганидек, қонун қабул қилиниши ўлчашнинг ишончсиз натижалари вужудга келишининг ва амалда қўлланилишининг олдини олиш орқали фуқаролар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ўлчаш бирлигини таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш самарадорлигини оширишга кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқди.

Қайд этилганидек, иқтисодиётимизнинг глобаллашуви тез суръатлар билан ривожланаётган, хўжаликлараро, давлатлараро алоқалар ривожланаётган ҳамда минтақавий ва халқаро даражаларда қонунчилик бирхиллаштирилаётган бир шароитда ҳам миллий, ҳам халқаро даражада бозор муносабатларининг асосий элементларидан бири ҳисобланган халқаро арбитраж тижорат низоларини ҳал этишнинг муқобил, суддан ташқари шакли сифатида тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Шуларни инобатга олиб, мазкур қонун зарурати бир қатор омиллар билан асосланади. Ўзбекистон Республикасида халқаро тижорат арбитраж судларининг фаолиятини ташкил этиш ва тугатиш тартибини ҳуқуқий тартибга солиш, улар фаолиятининг асосий принципларини белгилаш, хорижий инвесторлар, шунингдек, миллий компанияларни чет эллик ҳамкорлар билан ўзаро муносабатларида уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш каби омиллар шулар жумласидан.

Бироқ сенаторлар таъкидлаганидек, қонунда қатор концептуал камчиликлар мавжуд. Масалан, қонуннинг 3-моддасида унинг қўлланилиш соҳаси белгиланган бўлса-да, халқаро тижорат арбитражи тушунчаси ва тамойиллари очиб берилмаган.

Шунингдек, 6-моддада қонуннинг қўлланилиш соҳасини батафсил изоҳлаш ўрнига ҳал қилиш учун халқаро тижорат арбитражига топширилиши мумкин бўлган низолар санаб ўтилган. Сенаторларнинг фикрича, ушбу нормада халқаро тижорат арбитражи кўриб чиқиши мумкин бўлган низо предмети тўлиқ ёритилмаган. Бу ва бошқа камчиликлар туфайли қонунни жиддий такомилга етказиш зарурлиги таъкидланди. Қонун сенаторлар томонидан рад этилди.

Сўнгра Олий Мажлис Сенати аъзолари “Маҳалла тизими ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқди.

Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралда қабул қилинган “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилганлиги таъкидланди.

Қонун билан 22 март “Маҳалла тизими ходимлари куни” этиб белгиланмоқда. Сўзга чиққанлар қайд этганидек, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда маҳалла институтининг роли катта. Юртимизнинг бой тарихи билан чамбарчас боғлиқ бу ўзига хос институтнинг мавқеини янада оширишда маҳалла тизими ходимлари фаолияти жамиятда муҳим аҳамиятга эга. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра юқори палата аъзолари “Бола ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, қонун Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция талабларини ҳар томонлама ҳаётга татбиқ этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига, Фуқаролик процессуал кодексига, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Жумладан, Оила кодексига киритилаётган қўшимчаларда оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода қилишга, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида сўзлашга ҳақли эканлиги назарда тутилмоқда.

Бунда қарор қабул қилишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахслар боланинг манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилишда боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъи назар, кўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилиши керак. Ота-она ва бола алоҳида-алоҳида яшаган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органлари, шунингдек, ўн тўрт ёшга тўлган бола бир вақтнинг ўзида ота ва онадан вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли.

Шунингдек, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунга ўзгартишлар киритилиб, унга кўра, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она (улардан бири) ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар болага таъминот, тарбия ва таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб васийлик ва ҳомийлик органига, шунингдек, бошқа давлат органларига мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақли. Бундай мурожаатларни бола тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаганлиги сабабли кўриб чиқмасдан қолдиришга йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун янги модда билан тўлдирилмоқда. Унга мувофиқ, вояга етмаган шахслар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши масалалари юзасидан давлат органларига, ташкилотларга ёки уларнинг мансабдор шахсларига ушбу қонунда белгиланган тартибда мустақил равишда мурожаат беришга ҳақли.

Қонун билан Фуқаролик процессуал кодексига ҳам тегишли ўзгартишлар киритилмоқда. Бунга кўра вояга етмаган, яъни ёши ўн тўртдан ўн саккизгача бўлган фуқароларнинг, шунингдек, муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари судда уларнинг ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар томонидан ҳимоя қилинади. Аммо бу ҳол вояга етмаганларни ва муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларни бундай ишларда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Сенаторлар мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган бола ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашга кўмаклашишини таъкидладилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар “Суд ишларини юритиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунлари, Солиқ кодекси, шунингдек, Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси ва Маъмурий суд ижрочилиги тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонунидаги нормалар ишларни судьялар ўртасида тақсимлаш туманлараро, туман (шаҳар) судлари раисларининг ваколати ҳисобланиши, шунингдек, Олий суднинг тегишли судлов ҳайъатлари мажлисларида ишларни кўриб чиқиш учун судлов таркибларини шакллантириш судлов ҳайъатлари раисларининг ваколати ҳисобланиши ҳақидаги нормаларнинг мавжудлиги судларда ишларни электрон тизимдан фойдаланган ҳолда инсон аралашувисиз, автоматик равишда тақсимлаш тартибини амалиётга тўлиқ жорий этиш имкониятини яратиб беради.

“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш киритилиб, натижада хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низоларни тезкор ҳал қилишга эришилади. Шунингдек, 2020 йил 1 февралдан бошлаб юридик шахслар томонидан даъво аризаси ва унинг иловаларини жавобгар ҳамда иқтисодий судга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон тарзда юбориш имконияти яратилиши белгиланган.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 150-моддасига даъвогар томонидан даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини жавобгарга ва учинчи шахсларга электрон тарзда юбориш имкониятини назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда.

Бунда даъвогар-солиқ тўловчи даъво аризаси ва илова ҳужжатларини судга тақдим этишдан олдин солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали бошқа солиқ тўловчи-жавобгар ва учинчи шахсларга юбориш ҳамда ҳужжатлар юборилганлиги ҳақидаги тасдиқловчи маълумотни кейинчалик судга тақдим этиш учун ахборот тизими орқали юклаб олиш имкониятига эга бўлади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра парламент аъзолари “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, қонун мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жамиятда барқарорликни таъминлаш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банки, Бош прокуратураси, Ҳисоб палатаси, шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг 4 та қонуни, 2 та кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги “Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида”ги 222–II-сонли қарорининг 1-иловасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказиш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилашни назарда тутувчи нормалар билан тўлдирилмоқда.

Шунингдек, киритилаётган қўшимчаларда Ҳисоб палатаси бюджет ва смета-штат интизомини бузганликда айбдор шахсларни белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича Ҳисоб палатаси ваколатларини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати органларининг мансабдор шахслари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ва уни маъмурий судга юбориш назарда тутилмоқда.

“Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг мансабдор шахслари сиёсий партияларга аъзолигини чеклашни назарда тутадиган қўшимча ва ўзгартиш киритилмоқда.

Кўрсатиладиган микромолиялаш хизматларини ошириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг микромолиялаш хизматларига бўлган ошиб бораётган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, тўлаш қобилиятини яхшилаш ва ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш мақсадида “Микромолиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига муайян суммадан ошмайдиган миқдорда микромолиялаш хизматлари суммасини белгилашни, жумладан, қарз олувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 300 миллион сўмдан ошмайдиган суммада микрокредит беришни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

“Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида назарда тутилган Ҳисоб палатаси вазифалари, функциялари ва ваколатларини амалга ошириш мақсадида Бюджет кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни норма билан тўлдирилмоқда. Унда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисларида иштирок этиш, унинг кўриб чиқиши учун масалалар киритиш ва кўрилаётган масала юзасидан фикр билдириш бўйича Ҳисоб палатаси раисининг ваколатларини амалга ошириш белгиланмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Парламент аъзолари томонидан “Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси Уставини (Гаага, 1951 йил 31 октябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган ва халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини босқичма-босқич бирхиллаштиришга кўмаклашишга қаратилган.

Конференциянинг битта ва ундан ортиқ сессиясида иштирок этган ва унинг Уставини қабул қилган давлатлар Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси аъзолари ҳисобланиши таъкидланди. Ўзбекистоннинг Гаага конференциясига аъзо бўлиши халқаро оилавий ва хусусий ҳуқуқ нормаларини бирхиллаштириш тартиб-таомилида мамлакат иштирокини таъминлаш, жаҳон стандартларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқ тизимини янада ривожлантириш, давлат фуқаролари ҳуқуқ ва манфаатларини хорижда ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Бундан ташқари, мамлакатимиз Гаага конференцияси Кенгашига кириш орқали унинг иш дастурини белгилашда иштирок этиши, Гаага конференцияси томонидан кўриб чиқилаётган янги конвенциялар юзасидан музокараларда қатнашиши ва халқаро майдонда ўз манфаатларини тарғиб қилиши мумкин.

Қонун мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашишини янада чуқурлаштиришга кўмаклашиши таъкидланди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра Сенат аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини тасдиқлаш масаласини кўриб чиқди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 8-моддасига мувофиқ, вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларини тасдиқлаш парламент юқори палатасининг ваколатларига киради.

Мазкур Фармонда Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигини, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида вазирликнинг бўлинмаларини ташкил этиш назарда тутилаётганлиги сабабли Фармон парламент аъзолари томонидан кўриб чиқилди.

Бу ҳужжат ижтимоий соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилганлиги ҳамда маҳалла ва оила институтини мустаҳкамлашга кўмаклашиши таъкидланди. Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан кейин Сенат аъзолари Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва ногиронликни аниқлаш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Тегишли хизматларни янада такомиллаштиришга қаратилган тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш борасида ягона сиёсатни шакллантириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги ташкил этилган.

Бироқ олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда камчиликлар ва ечимини кутаётган муаммолар сақланиб қолмоқда. Жумладан, ногиронликни барвақт аниқлаш ва олдини олиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлашнинг самарали механизми йўлга қўйилмаган. Фуқароларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари тизимли йўлга қўйилмаганлиги оқибатида ногиронлиги бўлган шахслар сони сўнгги уч йилда 9 фоизга ошган.

Ногиронлик профилактикаси, бундай шахсларни тиббий-ижтимоий ва малакавий реабилитация қилиш бўйича яқин, ўрта ёки узоқ муддатли стратегиянинг мавжуд эмаслиги бундай шахсларни тиббий-ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тизимини яратишга тўсқинлик қилмоқда.

Шу муносабат билан ушбу парламент сўровини йўллаш зарурати пайдо бўлди. Мазкур масала бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра Сенат аъзолари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги 2019 йил якуни бўйича ахборотини эшитди.

Таъкидланганидек, 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича муайян иш олиб борилди. Ўтган йилда қабул қилинган чоралар натижасида жиноятларнинг 3139 тага ёки 10,5 фоизга камайишига эришилган. Республикада маҳаллаларнинг 33,7 фоизида ёки 3074 тасида бирорта ҳам жиноят содир этилмаган. Вояга етмаганлар (830/656) ва хотин-қизлар (3378/2705) ўртасида жиноят содир этиш ҳолатлари камайган.

Ички ишлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказилган самарали тадбирлар натижасида гиёҳвандлик, коррупция ва иқтисодий йўналишларга оид қарийб 4,5 мингта жиноят аниқланган.

Шу билан бирга, ўтказилган ўрганишлар ички ишлар органлари фаолиятида муайян камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ва тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини кўрсатди.

Аҳолининг ижтимоий-маиший муаммоларини аниқлаш ва ҳал этишдаги ишлар етарли даражада ташкил этилмаган, оилалардаги жанжаллар кўп ҳолларда маҳалла фаоллари ва профилактика инспекторларининг эътиборидан четда қолганлиги оқибатида ўта оғир жиноятлар содир этилиши кенг тус олган.

Бундан ташқари, 2019 йил 2 сентябрда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган бўлишига қарамасдан, ИИВнинг бу борадаги ишларни тартибга солувчи буйруғи 2020 йил 3 февраль куни қабул қилинган. Шу туфайли тазйиққа учраган хотин-қизларнинг фақатгина 3 нафарига ҳимоя ордери берилган. 142 та қотилликнинг 70 таси (49,2%) эр-хотинлар ўртасида келиб чиққан низолар сабабли содир этилган.

Мазкур жиноятларнинг аксариятини ўз вақтида олдини олиш чоралари мавжуд бўлса-да, бунга жойлардаги профилактика инспекторлари, тегишли ҳокимлар, сектор раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан етарли эътибор қаратилмаган.

Оғир турмуш шароитида яшаётган аёлларнинг муаммолари тўлиқ ҳал этилмасдан келинаётганлиги оқибатида 5032 нафар аёл жиноят содир этган ва бу жиноятларни содир этиш ҳолатлари Тошкент шаҳри, Тошкент ва Фарғона вилоятларида юқорилигича қолган.

Одам савдоси жиноятларининг сони 2012-2019 йиллар давомида олти баробарга камайишига (574/94) эришилган бўлса-да, ушбу даврда болалар савдоси билан боғлиқ жиноятлар ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, ёшлар билан ишлашда ҳануз кўплаб муаммолар сақланмоқда. Ўтган йили республикада қайд этилган ҳар тўртинчи жиноят (11787 та) ёшлар томонидан содир этилган.

Муҳокама давомида сенаторлар томонидан Ички ишлар вазирлиги фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар билдирилди. Жумладан, профилактика инспекторлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар юзасидан кунлик ахборот алмашинувини қатъий назоратга олиш, шунингдек, жиноят содир этишга олиб келадиган сабабларни мониторинг қилиш ва таҳлил қилиш ишларини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Республиканинг қатор ҳудудларидаги ижобий тажрибаларни, жумладан, жиноятчиликни жиловлаш бўйича Андижоннинг “Намунали ҳудуд” концепциясини, хотин-қизлар билан ишлашнинг Бухоро тажрибасини, ёшлар билан ишлашнинг Фарғона тажрибасини бошқа ҳудудларга татбиқ этиш зарурлигига урғу берилди.

Кўриб чиқилган масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахборотни ҳам эшитди.

Таъкидланганидек, ташқи сиёсий алоқаларни янада ривожлантириш бўйича вазирлик томонидан муайян иш олиб борилган. Вазирликнинг бевосита ва фаол иштирокида 2019 йилда давлатимиз раҳбари ҳамда хорижий давлатлар ва халқаро тузилмалар раҳбарларининг 20 та ташрифи ташкил этилди. Олий даражадаги ташрифлар ва тадбирлар якунлари бўйича Ўзбекистон Ҳукумати томонидан хорижий мамлакатлар ва халқаро тузилмалар билан ҳамкорликни кенгайтириш бўйича 138 та “Йўл харитаси” қабул қилинди.

Марказий Осиё минтақаси давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида қатор юқори даражадаги тадбирлар, хусусан, Марказий Осиё давлат раҳбарларининг иккинчи Маслаҳатлашув учрашуви ўтказилди. Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари иштирокида сармоявий бизнес-форумлар ўтказилди, потенциал хорижий инвесторларнинг кўплаб ташрифлари амалга оширилди.

Мамлакатимизнинг ташқи сиёсий фаолияти қонунчилигини янада такомиллаштириш бўйича икки томонлама олий ва юқори даражадаги тадбирлар доирасида 122 та икки томонлама халқаро шартнома имзоланди, 28 та кўп томонлама халқаро ҳужжат ратификация қилинди.

Шу билан бирга, вазирлик фаолиятида бир қатор жиддий муаммо ва камчиликлар мавжуд. Жумладан, вазирлик ва Ўзбекистон дипломатик ваколатхоналарининг ахборот-таҳлил фаолияти натижадорлиги ўта суст бўлиб қолмоқда. Ишончли маълумот манбаларининг камлиги, асосан, оммабоп маълумотларга таянган ахборотномаларнинг тайёрланиши ҳар томонлама чуқур ишлаб чиқилган долзарб ташқи сиёсий ташаббус ва таклифларнинг тақчиллигига олиб келмоқда.

Шунингдек, сўзга чиққанлар томонидан иқтисодий дипломатия самарадорлигининг ўта пастлиги қайд этилди. Вазирлик ҳисоботига кўра, республиканинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари томонидан 1200 дан ортиқ бизнес-форумлар ўтказилди, 3700 дан ортиқ ўзаро ташрифлар амалга оширилди. Аммо уларнинг амалий натижаси деярли йўқ, айрим ҳолларда тадбирлар номига ва самарасиз ўтказилмоқда.

Хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилиш бўйича ҳар томонлама пухта ўйланган аниқ мақсадли режалар ишлаб чиқилишига ҳанузгача юзаки қаралмоқда. Хорижий мамлакат компанияларининг таклифларига тегишли ташкилотларнинг жавоб бермаслиги, қайта алоқанинг йўқлиги натижасида лойиҳаларни кўриб чиқиш муддати чўзилиб кетмоқда. Идоралараро ҳамкорликни мувофиқлаштириш масаласи ҳанузгача тўлиқ ҳал этилмаган. Аёл кадрларни юқори дипломатик лавозимларга тайёрлаш ишлари тизимли йўлга қўйилмаган.

Шу муносабат билан сенаторлар томонидан вазирлик фаолиятини такомиллаштиришга доир қатор тавсиялар билдирилди. Жумладан, Ташқи ишлар вазирлигининг ахборот-таҳлил фаолияти ҳамда вазирлик томонидан ўтказилаётган тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича аниқ ва тезкор чоралар кўриш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистон дипломатик ваколатхоналари раҳбарларининг уларга бириктирилган республика ҳудудларининг ташқи иқтисодий фаолияти самарадорлигини ошириш учун шахсий жавобгарлиги кўрсатилди. Бу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг сенаторлар ота-оналар қаровисиз қолган, Меҳрибонлик уйларида тарбияланган ёшларнинг жамиятга ижтимоий мослашувидаги долзарб масалалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижаларини кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, ушбу парламент сўровига берилган жавоб кўриб чиқилгач, Сенатнинг тегишли қўмитаси томонидан бу йўналишда муайян иш олиб борилганлиги қайд этилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 февралдаги қарори билан тасдиқланган Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича “Йўл харитаси”да 2019-2023 йилларда бажарилиши зарур бўлган вазифалар белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги қарори билан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага қабул қилаётган номзодларни (фуқароларни) танлашга ва тутинган ота-оналарни тайёрлашга қаратилган тегишли низомлар тасдиқланган. Меҳрибонлик уйлари ва болалар шаҳарчаларининг 43 нафар раҳбар ходими ҳамда 413 нафар педагог ходими аттестациядан ўтказилган.

Шу билан бирга, бу йўналишдаги қатор камчиликлар ҳам қайд этилди. Жумладан, етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ҳуқуқий ёрдам олиш ва суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқлари етарли даражада таъминланмаган. Етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолганларни Меҳрибонлик уйларига жойлаштириш фақат туман (шаҳар) ҳокимлари ихтиёрида қолиб кетаётганлиги уларнинг келгуси тақдирини белгилашда субъектив ёндашув ҳал қилувчи омил бўлиб қолишига олиб келмоқда. Бу эса кўп ҳолларда етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолганларни патрионат ёки оилалар қарамоғига бериш ишлари самарали йўлга қўйилишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бу ва бошқа муаммоларни муҳокама қилиб, сенаторлар бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар билдирди. Энг аввало, қонунчилик басасини мустаҳкамлаш, яъни “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди. Бунда етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни оилавий ҳамда болалар муассасаларига жойлаштириш тартиби ва шаклларини аниқ белгилаш муҳимдир.

Бундан ташқари, шундай болаларни давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиладиган нодавлат оилавий муассасаларга жойлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш зарурлиги таъкидланди. Бу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенаторлар давлат божхона хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ва Тошкент вилоятидаги чегара божхона постлари фаолиятини ўрганиш ҳолати юзасидан парламент сўрови натижаларини кўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йил 6 февраль куни тақдим этилган сўровга берилган жавобга мувофиқ, парламент сўровида кўтарилган масалалар масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда батафсил кўриб чиқилганлиги таъкидланди.

Парламент сўровида кўтарилган масалалар ижросини тўлақонли таъминлаш, мазкур хизматда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, Мажбурий ижро бюроси ва бошқа давлат органларининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш борасида мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўрилди.

Бироқ амалга оширилган ишлар билан бирга, парламент сўровида кўтарилган баъзи масалаларнинг ижроси тўлиқ таъминланмаганлиги оқибатида соҳада айрим тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда. Жумладан, чегара божхона постлари яқинида автотранспорт воситалари билан боғлиқ тирбандликларнинг олдини олиш, жамоат тартиби ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш механизми ишлаб чиқилмаган.

Мажлисда бу ва бошқа камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар билдирилди. Жумладан, 2020 йилнинг 15 апрелига қадар чегара божхона постлари яқинида жамоат тартиби ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда юзага келаётган муаммоларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Уч ой муддатда мамлакатимиздаги чегара божхона постларида кеча-ю кундуз валюта айирбошлаш, пул маблағларини нақд пулга алмаштириш, нақд ва нақдсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш терминалларини ўрнатиш чораларини кўриш зарурлиги қайд этилди. Бу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенати аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ўринбосарини — Бола ҳуқуқлари бўйича вакилни сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Бу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шунингдек, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибига ўзгартишлар киритиш масаласини ҳам кўриб чиқди. Бу масала бўйича Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида 18 та масала, шу жумладан, 9 та қонун кўриб чиқилди.

Сенаторлар томонидан маъқулланган Ўзбекистон Республикаси қонунлари жамият ҳаётининг барча соҳаларида ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлашга ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланишлар ва ислоҳотлар самарадорлигини оширишга, шунингдек, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
Ахборот хизмати

Қурилиш материалларини кодлаштиришни 2020 йил 1 июнга қадар жорий этиш вазифаси белгиланган. Айни дамда "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими доирасида қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда қўлланиладиган моддий-техник ресурсларнинг жорий нархлари "онлайн каталоги"ни ишлаб чиқиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 29 февраль, 26-сон

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ "ДРАЙВЕР"И

аҳолини арзон ва сифатли уй-жой билан таъминлашга хизмат қилади

Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Мамлакатнинг меъморий қиёфаси, замонавий кўринишини баланд бинолар, турли дизайндаги иншоотлар, йирик объектларсиз тасаввур этиш қийин. Сўнгги йилларда юртимизда қурилиш соҳасининг кескин ривожланиши натижасида шаҳру кентларимиз кўркига кўрк қўшаётган ана шундай замонавий бинолар сони ортиб бормоқда.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳозирги вақтда қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг муҳим "драйвер"ларидан бирига айланиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 6 фоиздан ошганини эътироф этар экан, "Ушбу тармоқни янада ривожлантириш учун қурилишга оид нормаларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, замонавий қурилиш технологиялари ва материалларини татбиқ этиш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарур", дея таъкидлади.

— 2018 йил 14 ноябрдаги "Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармонига мувофиқ, қурилиш соҳасида миллий нормалар, қоидалар ва стандартларни такомиллаштириш, уларни қурилишга оид хорижий норматив-техник ҳужжатлар ва стандартлар билан уйғунлаштириш ишлари амалга ошириб келинмоқда, — дейди Қурилиш вазирлиги техник меъёрлаш, янги технологияларни жорий этиш бошқармаси бошлиғи Баҳодир Содиқов. — 2019 йилда ўтказилган хатлов натижаларига кўра, аниқланган 337 та қурилиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлардан 105 та шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартлари лойиҳа-тадқиқот институтлари, марказлар ва меъёрий ҳужжатлар муаллифлари иштирокида қайта ишлаб чиқилиб, уларга тегишли ўзгартиришлар киритилди. 46 та халқаро ISO-стандартлари жорий этилди, 1 та махсус техник регламент қабул қилинди. Ҳозирги вақтда фармонда белгиланган вазифалар ижроси доирасида 2020 йилда қайта ишлаб чиқилиши режалаштирилаётган 60 та шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг "манзилли дастури" шакллантирилмоқда. Бу борада Жанубий Корея, Германия, Франция, Италия, Хитой, Туркия, Россия, Озарбайжон, Беларусь каби давлатларнинг тажрибалари ўрганилди, Кореянинг фуқаролик қурилиши ва қурилиш технологиялари институти (KICT) билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди, "Tuv" (Австрия), "Kiklop – Design & Engineering, Consultancy" (Туркия) ва "Arup Group Limited" (Британия), "Aecom" (АҚШ) қурилиш ва инжиниринг соҳасидаги йирик компаниялар билан алоқалар ўрнатилди. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини жаҳон стандартларига мувофиқлаштириш ҳамда хорижий мутахассис ва ташкилотларни жалб этиш мақсадида жорий йилнинг март ойида халқаро тендер танловларини ўтказиш ҳам режалаштирилган.

ЮҚОРИ СИФАТ, ПАСТ НАРХЛАР

Соҳага оид нормаларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш яхши, албатта. Аммо уларнинг самарадорлигини таъминлаш учун амалиётда замонавий қурилиш технологиялари ва материалларини фаол қўллаш талаб этилади.

— Бугун мазкур соҳани ривожлантиришнинг асосий талабларидан бири, илм-фан ютуқларига асосланган, янги турдаги инновацион қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳисобланади, — дейди Қурилиш вазирлиги қурилиш индустриясини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Абдуҳамид Абдураҳмонов. — 2019 йил 23 майдаги "Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарорига мувофиқ, "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси қошида Қурилиш материаллари саноати илмий-техникавий кенгаши ташкил этилди. Жорий йилнинг бошига қадар кенгашга 29 та инновацион технологияларни жорий қилиш ва янги турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар келиб тушган ва шундан 15 таси илмий-техникавий муҳокамадан ўтказилган. 9,7 миллиард сўмлик 7 та янги турдаги инновацион қурилиш материаллари технологиялари эса ижобий баҳоланиб, молиялаштиришга тавсия этилган.

Президентимиз аҳолини уй-жой билан таъминлаш ва ипотека бозорини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилишда берган топшириғига биноан, ҳозирги пайтда уйлар нархини туширишва сифатини ошириш учун инновацион, илм-фан ютуқларига асосланган қурилиш материалларидан кенг фойдаланишимиз зарур. Масалан, ғишт ўрнига газобетон ва пенобетондан фойдаланилса, ишлаб чиқаришда газ сарфи 8 баравар камаяди, иссиқликни сақлаш эса 5 баробарга ортади. Бу, ўз навбатида, барпо этилаётган бино ёки иншоотнинг энергия тежамкорлигини камида 5 баробарга ошириш имконини беради.

Мамлакатимиз қурилиш объектларида сифат даражасини янада ошириш мақсадида Туркия, Россия давлатларининг илғор тажрибаси асосида қурилиш материалларини кодлаштиришни 2020 йил 1 июнга қадар жорий этиш вазифаси белгиланган. Айни дамда "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими доирасида қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда қўлланиладиган моддий-техник ресурсларнинг жорий нархлари "онлайн каталоги"ни ишлаб чиқиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Қайд этиш жоиз, 2025 йилга бориб янги турдаги ҳамда энергия тежамкор қурилиш материаллари, жумладан, гулқоғоз ишлаб чиқариш ҳажмини 47 баробар, йиғилган паркет панеллари ва плиталарини 19 баробар, ёғоч қириндили ҳамда ёғоч ва бошқа ёғочбоп материаллардан тайёрланган плиталарни 15 баробар, газобетон блокларини 7 баробар, лак-бўёқ материаллари ҳамда энергия ва иссиқликни тежовчи флоат-технология асосида тайёрланадиган архитектура-қурилиш ойнасини 4 баробар, базальтдан ҳосил қилинадиган композит арматурани 3 баробар ва цементни 2 баробарга ошириш кўзда тутилган.

СОҲАГА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ЗАРУР

Ҳеч бир соҳа малакали кадрларсиз ривожлана олмайди. Айниқса, унга замонавий технологияларнинг кириб келиши мутахассислар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишни тақозо этади.

— Қурилиш соҳасини такомиллаштиришга доир ҳужжатларда соҳада кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда — деди Қурилиш вазирлиги таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Аъзамиддин Қўлдошев. — Президентимизнинг 2018 йил 2 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" қарорига асосан, Тошкент архитектура-қурилиш институти, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ҳамда 2019 йил 6 сентябрдаги "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонига кўра, 14 та ўрта профессионал (коллеж) ва 3 та ўрта махсус профессионал (техникум) таълим муассасаси Қурилиш вазирлиги таркибига ўтказилди.

Ҳозирда Тошкент архитектура-қурилиш институтида 23 та бакалавриат ва 25 та магистратура, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида 23 та бакалавриат ва 16 та магистратура йўналишлари мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда. 2019 - 2020 ўқув йилида мазкур олий таълим муассасаларига жами 2676 нафар талаба ўқишга қабул қилинди. Шунингдек, Беларусь миллий техника университети, Москва архитектура институти, Москва давлат қурилиш университетлари билан қўшма (2+2, 2+3) дастури асосида бакалавриат таълим йўналишларига қабул амалга оширилди.

Ўтган йили Тошкент архитектура-қурилиш институтининг 44 нафар ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг 27 нафар профессор-ўқитувчилари Германия, Австрия, Франция, Хитой, Россия, Беларусь, Туркия, Жанубий Корея, Малайзия давлатларида малака ошириб қайтди, халқаро илмий конференцияларда мақолалар билан иштирок этди.

— Амалга оширилган ишлар натижасида 2019 йилда олий таълим муассасаларининг миллий рейтингида Тошкент архитектура-қурилиш институти 2018 йилга нисбатан 22 поғонага ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти 6 поғонага кўтарилди, — давом этди Аъзамиддин Қўлдошев. — Аммо бу йўналишда қилиниши керак бўлган ишлар ҳали етарлича. Хусусан, таркибдаги таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, турдош хорижий етакчи таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини янада яхшилаш ҳамда уларнинг филиалларини мамлакатимизда очиш, олий таълимда илм-фанни янада ривожлантириш, унинг ишлаб чиқариш билан интеграциялашувини кучайтириш, профессор-ўқитувчиларининг илмий тадқиқот фаолияти самарадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб этиш, таълим муассасаларининг ўқув жараёнини кредит-модуль тизимига босқичма-босқич ўтказиш талаб этилади. Бу мақсадларга эришилган тақдирда, таҳсил оладиган ёшлар соҳанинг билимли ва етакчи кадрларига айланиб, келажакда миллийликка замонавийлик уйғун бўлган ўзига хос бино ва иншоотларни бунёд эта олади.

ОГОҲЛИК

КОРОНАВИРУС: МАМЛАКАТИМИЗДА ЭПИДЕМИК ВАЗИЯТ ҚАНДАЙ?

Гулсум ШОДИЕВА

Дунёда, хусусан, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Эрон, Италия каби давлатларда коронавирус инфекцияси кенг тарқалаётганлиги кузатиляпти. Сўнгги маълумотларга қараганда, жаҳонда коронавирус инфекцияси билан касалланганлар сони 82 минг нафардан ошди, 2800 дан ортиқ ўлим ҳолати рўйхатга олинди. Ҳозиргача Хитойдан ташқари ушбу инфекция 50 га яқин давлатда аниқланган. Дунёдаги эпидемик вазият кун сайин ўзгариб, касаллик шиддат билан бошқа давлатларга ҳам тарқалмоқда.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган коронавирус инфекцияси бўйича эпидемик вазият ва касаллик тарқалишининг олдини олиш чора-тадбирларига бағишланган матбуот анжуманида шу маълумотлар айтиб ўтилди.

Тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги мутахассислари билан бирга, Ташқи ишлар, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар, Олий таълим, Халқ таълими, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирликлари, Давлат божхона қўмитаси мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланишича, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мамлакатимиз аҳолиси ўртасида коронавирус инфекцияси бўйича эпидемиологик барқарорликни таъминлашга йўналтирилган барча профилактик ва эпидемияга қарши тадбирлар халқаро тиббий санитария талаблари асосида амалга оширилмоқда.

COVID-19 инфекцияси бўйича юзага келган бундай нохуш вазият мазкур касалликнинг юртимизга четдан кириб келиш хавфини кучайтирмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистонда коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилянти.

Хусусан, 2020 йил 29 январда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши қабул қилинди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир раҳбарлигида "Эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссияси"нинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур йиғилишда барча тегишли вазирлик ва идораларга ушбу инфекцияни олдини олиш бўйича аниқ кўрсатма ва вазифалар берилди.

Бундан ташқари, давлат чегараларида 53 та санитария-карантин пунктлари (СКП) халқаро талаб ва мезонлар асосида фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда ушбу СКПларида бошқа тармоқ ходимлари қаторида 250 нафардан зиёд юқори малакали санитария-эпидемиология хизмати масъуллари белгиланган стандартлар бўйича иш олиб бормоқда. Юртимизда коронавирусни аниқлаш бўйича замонавий тест-системалари, шунингдек, тиббиёт ходимлари учун шахсий ҳимоя воситалари, тиббий техника ва тиббий буюмлар захираси яратилмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Санитария-эпидемиологик осойишталиги агентлиги ҳузурида узлуксиз 24 соат давомида фаолият кўрсатувчи штаб ташкил қилинди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Анжуманда қайд этилганидек, "Эпидемияга қарши курашиш фавқулодда комиссияси"нинг 2020 йил 28 январдаги 1-сонли баёнида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда Хитойдан келган фуқаролар тўғрисида кундалик ахборот алмашинуви йўлга қўйилган. Жорий йил январь ойидан бошлаб шу кунгача коронавирус инфекцияси бўйича 1300 нафарга яқин фуқародан намуналар олинган. Ушбу намуналарда коронавирус инфекцияси топилмади.

— Лекин бу хотиржам бўлишга асос бўла олмайди, — дейди Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги директори Баҳром Алматов. — Коронавирус мамлакатимизга тарқалиши мумкинми, қанчалик хавф бор? Бу бугун ҳаммани ўйлантираётган савол. Тиббиёти жуда ривожланган Жанубий Корея, Япония ёки Хитой билан қўшни бўлмаган Америка, Италия каби давлатларда ҳам касалликнинг тарқалаётгани, улар ҳам вирусни бутунлай бартараф этолмаётгани бизни ташвишга соляпти ва вируснинг тарқалиши соғлиқни сақлаш тизимининг ривожи билан ҳам боғлиқ бўлмай турибди айни пайт. Барча халқлар учун ҳозир ягона чора ушбу касаллик ҳақида етарлича маълумотга эга бўлиш, юқтириб олмаслик учун эҳтиёт чораларини кўриш, тозалик шартларига риоя этиш орқали касалликни тўхтатиб қолиш, деб ўйлайман.

Тошкент халқаро аэропорти орқали ўтган ҳафта давомида 102 та халқаро рейс ҳамда МДҲ давлатларидан 112 та рейс қабул қилиниб, барча йўловчилар термометриядан ўтказилди.

— Мамлакатимизга юқумли касалликлар, жумладан, "COVID-19" коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида бугунги кунда давлат чегараларидаги 53 та санитария карантин пунктларида электрон термометр, пирометр, симобли термометрлар ёрдамида юртимизга кириб келаётган фуқаролар текширувдан ўтказилмоқда, — дейди Республика карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси маркази директори Саидмурод Сайдалиев.

— Коронавирус инфекциясида гумон қилинган беморлар учун Вирусология ИТИ реанимация бўлимида 4 та манфий босим бокс, Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институтида 3 та бокс ва барча вилоятлар юқумли касаллар шифохоналарида 1026 нафар бемор ўрни захира қилинган бўлиб, уларда зарурий доридармон ва дезинфекцияловчи воситалар билан таъминланган. Шунингдек, Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти орқали ўтган ҳафта давомида 102 та халқаро рейс ҳамда МДҲ давлатларидан 112 та рейс қабул қилиниб, барча йўловчилар термометриядан ўтказилди. Эпидемик жиҳатдан нохуш бўлган ҳудудлардан келаётган фуқаролар рўйхати шакллантирилиб, 14 кунлик тиббий кузатувга олинмоқда.

Матбуот анжуманида мутахассислар таъкидлашича, Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир раҳбарлигида "Эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссияси"нинг навбатдаги йиғилишида бу борада кечиктириб бўлмас долзарб вазифалар белгилаб олинди. Мамлакатимиздаги барча ҳаво ва темир йўлларда ташкил қилинган санитария-карантин пунктлари, ҳудудларда тузилган штаблар фаолиятини бугунги кун талабидан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқиш, меҳмонхоналар ва корхоналар, маҳалла, ички ишлар органлари билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш ва уларга давлат томонидан қўйилаётган талаб, тавсияларни ўз вақтида етказиш, тиббий-патронаж хизматини янада яхшилаш, таълим муассасалари ва жамоат жойларида санитария талабларига риоя қилиш юзасидан масъулларга аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, эпидемия кенг тарқалган мамлакатлардан келган ҳар бир фуқарони тўлиқ 14 кунлик тиббий кузатувга олиш, бирламчи тиббиёт муассасаларининг врач ва патронаж ҳамширалари томонидан грипп, ЎРИ ва ўткир пневмония касалликларини эрта аниқлаш ишларини тизимли ташкил этиш бўйича вазифалар яна бир бор қатъий кўрсатиб ўтилди.

Ҳозир республикамиздаги Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларнинг 17 фоизигина чин етим холос, қолганларининг ота-онаси бор. Ўтган йили Меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари тарбияланувчилари сони 206 нафарга қисқарди.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

ҲАР БИР БОЛА МЕҲР, ЭЪТИБОРДА

Рисолат МАДИЕВА

Тарбия муассасалари ва уларда тарбияланаётган етим ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сонининг сезиларли даражада камайиши юртимизда уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, хусусан, таълим олиши, соғлиғини сақлаш, ҳаётга мослашишига шароит яратиш, меҳнат қилиши, ҳаттоки уй-жойга эга бўлишига қаратилаётган эътибор натижасидир. 2019 йилда 6945 нафар бола васийликка, 187 нафар бола оилалар тарбиясига, 3550 нафар бола фарзандликка берилган.

Айни пайтда Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчаларида тарбияланаётган етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сони 2369 нафар бўлиб, улар 2018 йилга нисбатан 8 фоиз камайган.

Президентимизнинг "Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Тарбияланувчиларнинг ижтимоий мослашуви ва ўзларига мос касб-ҳунар танлаши, уларда ижтимоий ва ҳаётий кўникмаларни ҳосил қилиш мақсадида Меҳрибонлик уйларида "Уй-рўзғор академияси" ҳамда замонавий компьютер дастурлаш кўникмаларига ўқитиш курслари ташкил этилди.

Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқлари кафолатланган ҳолда "Ишонч телефонлари" орқали уларга ёрдам кўрсатиш тизими яратилди. Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчаларида зарур алоқа воситалари билан жиҳозланган алоҳида хоналар ажратилиб, "1006" ва "11960" қисқа рақамли ишонч телефонлари узлуксиз ишлаши ва улардан тарбияланувчиларнинг эркин фойдаланиши таъминланди.

— Ҳаёт тақозоси билан Меҳрибонлик уйига келган болаларнинг руҳиятида синиқлик кузатилади, — дейди Халқ таълими вазири ўринбосари Дилшод Кенжаев. — Шу боис, тарбияланувчилар сонидан қатъи назар, ҳар бир муассасага биттадан руҳшунос штат бирлиги ажратилган. Агар Меҳрибонлик уйида 200 нафардан ортиқ тарбияланувчи бўлса, иккита руҳшунос штат бирлиги ажратилиши белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан оила институтини мустаҳкамлаш, ижтимоий етимликнинг олдини олиш, шунингдек, Меҳрибонлик уйларини босқичма-босқич кам комплектли Болалар шаҳарчаларига ҳамда ижтимоий муассасаларнинг бошқа муқобил шаклларига ўтказиш мақсадида "2019 - 2023 йилларда Меҳрибонлик уйларини ноинституционаллаштириш дастури" қабул қилинди.

2019 йил 1 мартдан бошлаб оилага тарбияга олинган ҳар бир бола учун тўланадиган нафақа миқдори 1,33 баробарга оширилиб, 820 000 сўмни ташкил қилди. 2019 йил 1 октябрдан бошлаб васийлик ва ҳомийлик органлари ходимларига ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш билан боғлиқ транспорт харажатларини қоплаш учун ҳар ойда 170 000 сўм миқдорида компенсация тўланмоқда.

— Айрим ота-оналарнинг Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига яратилган имтиёзлардан фойдаланиш учун фарзандларини шу ерга топширишга уринаётгани ачинарли, — дейди Дилшод Кенжаев. — Аммо амалдаги қонунларга кўра, фақат чин етимларгина бундай имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ҳозир республикамиздаги Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларнинг 17 фоизигина чин етим холос, қолганларининг ота-онаси бор. Ўтган йили Меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари тарбияланувчилари сони 206 нафарга қисқарди. Ота-онаси ёки қариндошлари ҳаёт бўлган болаларни оилаларига қайтариш жараёни давом этмоқда.

Кўрилаётган барча чора-тадбирлар юртимизда инсон манфаатлари, ҳуқуқлари энг олий қадрият эканидан далолатдир.

ЗАМОНАВИЙ УСЛУБ

КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИГА ЎТИШ

Ўзбекистонда таълимнинг жаҳон стандартларига мослашиши сари ташланган муҳим қадам

Мамаражаб ТОЖИЕВ,
Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази лаборатория мудири, педагогика фанлари доктори

Ривожланган давлатлар қаторида туришнинг асосий шартларидан бири — мамлакатдаги таълим тизимини жаҳон стандартларига мослаштириш ҳисобланади. Сўнгги йилларда юртимизда таълим сиёсатини юқори бочқичга олиб чиқиш борасида дадил қадамлар ташланяпти. Хусусан, олий таълимда ўқув жараёнини кредит-модуль тизимига босқичма-босқич ўтказиш бугуннинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

"Олий таълимда ўқув жараёнини кредит-модуль тизимига ўтказиш талаб этилади". Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги бу сўзлар соҳа мутахассисларининг тизимли ишларни йўлга қўйиш ва Болония декларациясига Ўзбекистоннинг аъзо бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Болония декларацияси дунёда ягона таълим тизимини яратиш ва сифатини баҳолашнинг мезонлари, синов бирликларини бирлаштиришни назарда тутади. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад — ягона умумлаштирилган кадрлар тайёрлаш, баҳолаш, таълим ҳақидаги ҳужжатларни олиш имкониятини яратиш (ягона умумевропа диплом иловаси) ҳамда ўқитишнинг кўп поғонали тизимини ташкил этишдан иборат. Шу жиҳатдан юртимиздаги олий таълим муасссасаларида муайян фанлар бўйича талабалар олаётган билимларини умумлаштириш, ўқув жарёнлари ва дастурларини бошқалари билан таққослаш ҳамда тенглаша оладиган этиб тайёрлашда ушбу декларация муҳим аҳамият касб этади.

Одатда кредит тушунчаси иқтисод соҳасида кенг қўлланилишини биламиз. Хўш, таълимда кредит атамаси қандай маънони ифода этади?

Таълимнинг кредит тизими (credit-hours system) — мустақил таълим олишга қаратилган ва индивидуаллик асосида билимни ижодий ўзлаштириш, ўқув жараёнини қатъий белгиланган ҳолда лойиҳалаштириб, таълим йўлини танлаш ҳамда кредитлар асосида билим ҳажмини белгилаш жараёнини англатади. Кредит (Credit, Credit-hour) — барча академик даврда меҳнат юкламасига мос тарзда талаба ўқитувчи)нинг ўқув ишлари ҳажмини ўлчаб берувчи мезондир.

Умумий қабул қилинган таълимда кредит-модуль технологиясининг ўзига хос томонларидан бири — унинг халқаро умумтаълим стандартларига мос келиши ва таълим тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш муаммолари, жаҳон тенденцияларини ҳисобга олган универсал таълим дастури, академик эркинлик ва ўқув дастурларининг вариативлигидир. Бу жараёнда ОТМ талабаларида хорижий давлатлар университетларига эркин кириш имкониятлари вужудга келади, бакалавр ва магистратура битирувчиларида барча давлатларда ишга жойлашиш ҳуқуқлари пайдо бўлади.

Кредит-модуль таълим технологияси қатор афзалликларга эга бўлиб, у талаба ва ўқитувчилар иш сифатини баҳолаш учун кредитлар тизимини жорий қилиш, ўқув режага киритилган фанларни эркин танлаш ҳуқуқини беради, бу орқали талабаларнинг индивидуал ўқув дастурларини шакллантиришда иштирок этишини таъминлаш, таълимнинг аниқ йўналишини танлашда маслаҳатчиларни жалб қилиш ва кўмаклашиш, уларнинг таълим ютуқларини назорат қилишда самарали услублар, ҳар бир илмий ютуқни баҳолаш учун балл-рейтинг тизимидан фойдаланиш, барча ўқув материалларини рақамли технологияга киритиш, агар ОТМда ўқитувчилар етарли бўлса, талабаларга ўқитувчини танлаш эркинлигини бериш каби имкониятларга йўл очади.

Юртимиздаги ОТМларни кредит-модуль таълим тизимига ўтказиш Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан муносабатларини кенгайтириб, жаҳон таълим соҳасидан четда қолиш хавфини бартараф этади. Шунингдек, Европа мамлакатларидаги талабалар, профессор-ўқитувчи ва тадқиқотчилар билан ҳамкорликни фаоллаштириш, янги ўқув технологиялари, ўқув жараёни лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнини ташкил қилишнинг оқилона шаклларини қўллаш ҳамда таълим ва ўқитиш сифатини кескин оширилишига олиб келади. Натижада олий таълимнинг кўп босқичли тизими, унинг сифатини назорат қилиш ва бошқариш жаҳон тажрибалари асосида шаклланади, профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг академик мулоқоти таъминланади ва дипломга ягона Европа иловаси бериш йўлга қўйилади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, бугун жаҳонда оммалашган кредит-модуль технологияси талабаларнинг билимларни мустақил ўзлаштириш ва эркин ижодий фаолияти даражасини оширишга имконият яратиш орқали таълим сифатини тўлиқ оширмоқда. Академик эркинлик таълим кредит-модуль технологиясининг асосий афзалликларидан бири бўлиб, унда талабалар профессор-ўқитувчиларни танлаш имконияти билан ўз таълим доирасини шакллантиради. Бунда таянч ва ишчи ўқув режаси билан бирга, уларнинг ўқув жараёнини ташкиллаштирадиган ва таълим мазмунини аниқлаб берадиган талабаларнинг шахсий ўқув режалари (ИУП – Curriculum) жорий қилинади.

Янги технологияни татбиқ қилишда ҳар бир ОТМ талабани танлаб олган таълим доирасига мос равишда мустақил билим олишга ўргатиш, сифатли силлабусларни яратиш ва ишлаб чиқиш, ўқитувчига гипертекстлар, аудио материаллар, мультимедиа технологияларини қўллаган ҳолда интерактив режимда дарс ўтиш имкониятини яратиб бериш, замонавий таълим услубларини юқори даражада қўллаш, лойиҳалаш ва технологиялар бўйича амалиёт лабораторияларини ташкил этиш каби бир қатор масалаларни ҳал этишни тақозо қилади. Таълим кредити технологиясининг жорий қилиниши натижасида ҳар бир талаба кутубхона, АРМ фонди (нафақат қоғоз китоблари, балки электрон китоблар), матбуот базасининг кенгайиши туфайли ўқув фанлар мажмуалари билан ўз вақтида таъминланади, компьютер базаси ва технологияси орқали эса, on-line режимда рўйхатдан ўтиш ва ўқув материалларни олиш имкониятига эга бўлади.

Бир сўз билан айтганда, ОТМларда таълим жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш ўзига хос даврни бошлаб беради. Соҳа мутахассисларининг биринчи навбатдаги вазифаси эса кредит-модуль тизимининг меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий-услубий нормативларини ишлаб чиқишдан иборат.

ЭКОТУРИЗМ

ЖОНЛИ ТАБИАТ ЧОРЛАЙДИ

Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 февралдаги "Ҳисор давлат қўриқхонасининг қўриқланма зонасини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, юртимизда илк бор Ҳисор давлат қўриқхонасининг унга туташ ҳудудлардаги умумий ер майдони 11231,3 гектар бўлган қўриқланма зонаси белгиланди. Қўриқхона ҳудудидаги 2 минг гектарга тенг Ҳазрати Султон платоси, Сувтушар дарёсининг бир қисми, динозавр излари ва Амир Темур ғори объектлари ҳам қўриқланма зонага ўтказилди.

— Аслида 2004 йилда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонуннинг 47-моддасида "Давлат қўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, буюртма қўриқхоналар, давлат табиат ёдгорликлари ва миллий боғлар билан чегарадош ҳудудлар қўриқланма зоналардир", деб белгиланган, — дейди Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Биохилмахиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бош бошқармаси бош мутахассиси Сарвар Аҳмедов. — Лекин шу вақтга қадар ҳеч бир қўриқхонанинг қўриқланма зонаси ҳукуматимиз томонидан белгиланмаган. Республикамизда биринчи марта қарор асосида Ҳисор давлат қўриқхонасининг қўриқланма зонаси ташкил этилди. Мазкур йўналишда ишларни давом эттирган ҳолда бу йил Чотқол, Сурхон, Нурота, Зомин, Қизилқум давлат қўриқхоналарида ҳам қўриқланма зоналар ташкил этиш режалаштирилган ва бу борада ишлар олиб борилмоқда.

Қўриқланма зоналар қўриқхонагача бўлган масофада (100 метр ёки 10 километр бўлиши ҳам мумкин. Уларнинг масофаси норматив ҳужжатларда кўрсатилмаган) муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга инсон фаолияти натижасида етказилиши мумкин бўлган салбий таъсирларнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилади. Бундай ҳудудларда ўзидан заҳарли модда ва чиқиндилар чиқарадиган йирик заводлар, ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш, фойдали қазилма бойликларини қазиб олиш, газ қувурларини ўтказиш, чиқинди ташлаш жойларини ташкил этиш, ов қилиш, дарахтларни кесиш, сотиш мақсадида ўсимликларни йиғиш, ажратилган майдонларда мол-ҳол боқиш тақиқланади. Аммо анъанавий қишлоқ хўжалиги, экологик туризмни ташкил қилишга рухсат этилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу масалаларни янада аниқлаштириш мақсадида қўриқланма зонанинг низоми ишлаб чиқилмоқда.

— Қўриқланма зона ерлари қўриқхоналарга доимий фойдаланиш учун берилмайди, — дейди Сарвар Аҳмедов. — Боиси, у юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкалари ёки захира ерларда жойлашган бўлиши мумкин ва бундай ҳолатларда зонада маълум бир режим ўрнатилади, аммо ер эгаларидан ер участкалари олиб қўйилмайди. Қарорда ҳам зоналарда жойлашган ер участкалари ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар ихтиёрида қолиши, қўриқхона ҳудудидан унинг қўриқланма зонасига ўтказиладиган объектлар мазкур қўриқхонанинг доимий фойдаланишида бўлиши белгиланган.

Қарорнинг муҳим жиҳатларидан яна бири, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда Ҳазрати Султон платоси, Сувтушар шаршараси, динозавр излари ва Амир Темур ғори объектларида зиёрат туризми ва экологик туризмни ташкил қилиш учун зарур инфратузилмани яратишга инвесторларни, шу жумладан,

давлат-хусусий шериклик лойиҳалари асосида жалб қилиш чораларини кўриши белгиланди. Бу эса мазкур гўшаларни зиёрат қилиб, уларни ўз кўзи билан кўриш истагидаги аҳоли ва сайёҳлар учун айни муддао бўлади.

— Қўриқланма зонада зарур инфратузилмани яратишни, аввало, у ерларда инсонларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун сўқмоқчалар, зинапоялар ташкил этиш ва шу каби ташкилий ишлардан бошлаш керак, — дейди Сарвар Аҳмедов. — Боиси, ҳудуддаги аксарият объектлар турли хил баландликларда жойлашган. Масалан, Амир Темур ғори денгиз сатҳидан 3,5 минг метр, динозавр излари эса 1,8 минг метр баландликда жойлашган. Шу боис, мазкур ҳудудларда экстремал туризмни ривожлантириш, сайёҳлик йўналишларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Қўриқланма зонага инвестор ва сайёҳларни жалб қилиш, ушбу ҳудудларда экотуризмни ривожлантириш, бўйича Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси зиммасига ҳам бир қатор вазифалар юклатилди.

— Аввал қўриқланма зонада хатлов ўтказилиб, ҳудуд ўрганилади, — дейди қўмитанинг экотуризм бўлими бошлиғи Санжар Имомов. — Шу асосида сайёҳларни жалб этиш бўйича ишлар бошланади. Бу бўйича бир қатор вазифаларни белгилаб олганмиз. Хусусан, Ҳазрати Султон платоси ва бошқа ҳудудларга экстремал туризм ишқибозларининг чиқиши учун тур операторларга йўналишлар бериш, Динозавр излари ҳудудида келажакда катта ҳайвонот боғи ташкил этиш ниятимиз бор. Бугун кўпчилик экотуризм, деганда сайёҳлар учун дам олиш масканлари, меҳмонхона, қаҳвахоналар яратилишини тушунади. Аҳолининг аксарияти, афсуски, экологик ҳудудларда овқатланишга, у ерларни чиқиндилар билан ифлослантиришга одатланиб қолган. Бу одамларимизда ҳали ҳам экологик маданият шакланмаганидан далолат. Аммо қўриқланма зонада бундай ҳолатларга мутлақо йўл қўйилмайди. Бу ерда инсоният томонидан ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, табиий объектлар ва мажмуаларга зарар етказмаган ҳолда фақат жонли табиатни томоша қилишга мўлжалланган лойиҳалар амалга оширилади.

Ўзбекистон Хоразмий, Беруний, Форобий, Имом Бухорий, Имом Термизий каби буюк алломалар ватанидир. Бутун ислом дунёси бу шахсларни Ўзбекистон марваридлари, деб тан олади. Чунки улар ислом таълимоти билан бирга, математика, алгебра, тиббиёт, астрономия, жамиятшунослик, ҳуқуқ, антропология ва бошқа фанлар ривожига ҳам салмоқли ҳисса қўшган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 29 февраль, 26-сон

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

МОТУРИДИЙ ТАЪЛИМОТИ

радикаллашув ва диний экстремизмга барҳам беришнинг самарали усули бўлиши мумкин, деб ҳисобламоқда малайзиялик олимлар

Жорий йилнинг 3-5 март кунлари Самарқанд шаҳрида Мисрнинг Ал-Азҳар мажмуаси билан ҳамкорликда ўтказиладиган "Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун" мавзусида халқаро конференцияга дунё ҳамжамияти ва ислом оламининг етук олимлари томонидан катта қизиқиш билдирилмоқда. Малайзия диний намояндалари "Дунё" АА мухбири билан суҳбатда анжуман ва уни ўтказишнинг аҳамияти ҳақида шундай фикрларни билдирди.

Моҳд Юсуф Ҳожи УСМОН,
Малайзия Миллий университети профессори,
Ислом цивилизацияси институти асосчиси:

— "Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун" мавзусидаги халқаро конференция ташкилотчиларига тадбирни ислом цивилизацияси маркази – Ўзбекистонда ўтказиш таклифи учун миннатдорлик билдирамиз. Анжуман муқаддас динимиз софлигига раҳна солаётган турли оқимлар кўпайиб бораётган бир пайтда ташкил этилаётгани билан муҳим аҳамиятга эга.

Имом Абу Мансур Мотуридий ҳаёти, илмий фаолияти билан яқиндан танишмиз. Буюк олим исломнинг маърифатпарвар дин эканини IX-X асрларда ёқлаб чиққан. Ислом моҳиятини четлаб қилинган турли талқинларга қарши турган. Таниқли фиқҳ олимининг фикрлари ҳануз ўз долзарблигини йўқотмаган.

Ўзбекистон Хоразмий, Беруний, Форобий, Имом Бухорий, Имом Термизий каби буюк алломалар ватанидир. Бутун ислом дунёси бу шахсларни Ўзбекистон марваридлари, деб тан олади. Чунки улар ислом таълимоти билан бирга, математика, алгебра, тиббиёт, астрономия, жамиятшунослик, ҳуқуқ, антропология ва бошқа фанлар ривожига ҳам салмоқли ҳисса қўшган.

Бугунги кунда дунё диний экстремизм, радикализм ва атроф-муҳит зарарланиши каби глобал муаммолар билан юзлашмоқда. Ушбу халқаро конференция эса жаҳон ҳамжамияти олдида турган муаммоларни ҳал этиш учун қулай майдон бўлиб хизмат қилишига ишончимиз комил.

Моҳд Фарид бин Моҳд ШАХРАН,
Малайзиянинг Шариат, ҳуқуқ ва сиёсатни ўрганиш маркази директори:

— Ақл ва нақл ўртасидаги боғлиқлик ислом дини тарихидаги мунозарали масалалардан биридир. Илоҳиёт масалаларига эпистемологик ёндашув бўйича ақл билан нақл ўртасида мувозанатни қарор топтиришда Мотуридийнинг ҳиссаси беқиёс. Имом Мотуридий ва Имом Абу Ҳасан ал-Ашъарий томонидан илгари сурилган концепция илоҳиётда экстремал ёндашувлар орасида мўътадил ақлий позиция сифатида қаралади. Мотуридий бу масалага ал-Ашъарийга нисбатан чуқурроқ тушунча берган. Профессор Мустафо Церикнинг маълумотига кўра, Имом Мотуридий сунний илоҳиётшунослик эпистемологиясини биринчи бўлиб бошлаган ва ислом сунний теологиясини яратган инсон сифатида тарихга кирган. У илоҳий масалаларни тушунишда таҳлилий ва танқидий ёндашувга ўз ҳиссасини қўшган.

Унинг қарашлари мусулмон фарзанди, тизимли фикрлаш ва эътиқод билан боғлиқ замонавий интеллектуал муаммоларни ҳал қилишда жуда муҳимдир. Мотуридий тавсия этган исломий эътиқодга қатъий ишонч билан бугун жамиятда содир бўлаётган радикаллашув ва диний экстремизм муаммосини ҳал қилиш мумкин.

Имом Мотуридийнинг қимматли илмий хулосаларини янада кенг тарғиб қилиш учун тадқиқотларни чуқурлаштириш муҳим. Нуфузли ислом институтлари билан ҳамкорликда Имом Мотуридий эътиқодининг замонавий муаммоларга алоқадорлиги ва фундаментал таъсирини оширишда ушбу халқаро анжуман алоҳида ўрин тутади. Бу борадаги ишлар давомийлигини таъминлаш учун Имом Мотуридий илмий ва диний қарашларини тадқиқ қилиш марказини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Конференция доирасида дунё олимлари томонидан динимиз софлигига соя солаётган таҳдидларга зарба берадиган яқдил ғоялар умумлаштирилади, деган умиддамиз.

"Дунё" АА

Куала-Лумпур

ШУКРОНА

УРУШ БАЛОСИ ВА ТИНЧЛИК ҚАДРИ

Азамат ПИРНИЯЗОВ

Халқимиз бошидан кечирган синовли даврлардан бири Иккинчи жаҳон урушидир. Инсониятга қирғин келтирган фашизм балосига қарши курашиш учун минглаб ўзбек фарзандлари урушга жўнаган. Уларнинг кўплари жангоҳларда қурбон бўлди, қолганлари фронт ортида ўзининг фидокорона меҳнати, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаши билан душман устидан эришилган ғалабага катта ҳисса қўшди.

Қирғинбарот урушдан тирик қайтганларнинг ҳаёт йўли, умр тажрибаси ҳозир барчага, айниқса, ёшларга ибрат намунасидир. Таассуфки, уларнинг сафи тобора сийраклашиб бормоқда.

Иккинчи жаҳон уруши фахрийларидан бири — Қорақалпоғистонда яшаётган истеъфодаги подполковник Нурилла Абдуллаев. У ўзининг кўп йиллик меҳнат фаолиятини ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида хизмат қилишга бағишлаган.

Нурилла Абдуллаев уруш бошланганда барча қатори жангга отланди. Жангоҳлардаги қирғинбаротларни ўз кўзи билан кўрди, синовларни бошидан ўтказди.

Урушдан сўнг халқнинг аҳволини яхшилаш, хўжаликлар фаолиятини қайта тиклаш осон кечмади. Бу даврда жойларда жиноятчилик ва талон-тарож авжига чиққанди. Шунинг учун Н.Абдуллаев жиноятчиликка қарши курашиш мақсадида ички ишлар органига хизматга кирди. Кейинчалик бу идоранинг соҳавий хизматлари ҳамда бошқа ҳуқуқ-тартибот органларида масъул лавозимларда самарали фаолият юритди.

Нурилла Абдуллаев тўрт нафар фарзандни тарбиялаб камолга етказган, ўндан ортиқ набиранинг ҳурматли бобоси.

— Мана шундай тинч-осуда, ҳур замонларни кўриш насиб этганига минг шукр, — дейди Нурилла Абдуллаев. — Биз босиб ўтган оғир йўллар, уруш ва қийинчиликларни ҳеч қачон фарзандларимиз кўрмасин. Чунки уруш сўзи қанчалик совуқ бўлса, унинг ўзи ундан юз маротаба қўрқинчли, оқибатлари аянчлидир. Ўша вақтлари бунга кўп бор гувоҳ бўлдик ва тинчликнинг қадри нақадар беқиёс эканини яхши англаймиз.

Дарҳақиқат, ҳозир дунёда содир бўлаётган воқеаларни кузатиб борар эканмиз, юртимизда барқарор таъминланган тинчлик-осойишталикни кўриб, бундай фаровонликка ҳеч қачон кўз тегмасин, деймиз.

МАМЛАКАТ ИМИЖИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЖАҲОН МЕДИАМАКОНИДА

Беруний АЛИМОВ,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори,
ЎзДЖТУ доценти

Ўзбекистоннинг жаҳон ахборот маконидаги нуфузига бевосита таъсир ўтказувчи механизмларни яратиш, мустақиллик йилларида шаклланган медиа имижни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, қолаверса, бу борада тегишли комплекс чора-тадбирларни жорий этиш давр талаби ҳисобланади.

"Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлаш концепцияси" лойиҳасида "Халқаро майдонда Ўзбекистоннинг ижобий имижини самарали мустаҳкамлаш ва бу жараённинг барқарорлигини таъминлаш учун қатор чора ва тадбирлар кўрилмоғи лозим", дейилади.

Мазкур ҳужжат давлат ва жамоатчилик даражасида мамлакатимизнинг халқаро имижини шакллантириш ва тарғиб қилишнинг яхлит тизимини яратишда муҳим аҳамият касб этади. Бу соҳада энг долзарб вазифалардан бири — мамлакатнинг ўзига хос имиж хусусиятларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўлиб, булар қаторига бой маданий, тарихий, маънавий ва интеллектуал меросларга, кўп асрлик давлатчилик, жаҳон цивилизацияси ривожига қўшилган эътироф этилган ҳисса, юқори даражадаги миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, ижтимоий тотувлик, бой табиий ресурслар, ривожланган транспорт ва коммуникация инфратузилмалари, мафкуравий қарашлардан қатъи назар, тенг ҳуқуқли ҳамкорликка тайёрлик киради.

Қайд этиш ўринлики, ушбу концепция қабул қилинишидан олдин Тошкентда халқаро ва миллий экспертлар иштирокида қатор учрашувлар, давра суҳбатлари ва анжуманлар ўтказилди. Хусусан, 2019 йил 26 июль куни Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида "Ўзбекистон Республикасининг халқаро имижини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари" мавзуидаги давра суҳбатида маҳаллий ва хорижий экспертлар шу хусусда тўхталди.

Россиянинг "Sputnik" халқаро ахборот агентлигининг Ўзбекистондаги мухбири Дилшода Раҳматова ўз маърузасида "Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантириш, унга таъсир кўрсатиш ва бошқариш кучига эга. ОАВ сиёсатчилар имижи ва давлат имижига ҳам таъсир кўрсата олади", деган фикрни илгари сурди. Шу билан бирга, у "Олқишларга тўла матбуот тузумнинг риёкорлигини кўрсатади. Буни жаҳонда жуда яхши билишади", деб қайд этди.

Мамлакат ёки ҳудуд имижини ошириш механизмларини реал ҳаётга татбиқ этишда медианинг ўрни беқиёсдир.

"Rivard Report" янгиликлар сайти бош муҳаррири Граҳам Уатсон-Ринго бундай деганди:

"Сайтимизда маҳаллий аҳоли томонидан тайёрланадиган мақолаларга ҳам кенг ўрин ажратилади. Бу материаллар "Мен яшайдиган жой" ("Where I live") рубрикаси остида берилади. Ўқувчилар бажонидил ўзлари истиқомат қилаётган маҳалла ҳақида тўлқинланиб ёзади. Биз матнларни озгина таҳрир қиламиз ва уларни чиройли расмга олиш учун фотографни юборамиз".

Биласизми, АҚШнинг бошқа шаҳрида яшайдиган бир фуқаро Сан Антониога кўчиб келишига айнан шу рубрикамизда бериладиган материаллар сабаб бўлган экан. У берилган мақолалардан илҳомланиб, шаҳримизда яшашга қарор қилган экан.

Ваҳоланки, шаҳримиз катта эмас ва бошқа йирик шаҳарларга нисбатан бу ерда олий маълумотли фуқаролар кўпчиликни ташкил этмайди. Шундан келиб чиқиб, "Apple"га ўхшаган обрўли компаниялар бу ерда завод қурмайди. Қурганлари эса фақат оддий ишчи кучига эҳтиёжи бор қурилиш ёки юк ташувчи компаниялардир".

Демак, мамлакат ёки бирор ҳудудга бўлган қизиқишнинг ошишида оммавий медиакоммуникациялар жуда катта аҳамият касб этади.

Зеро, ҳозирги даврда мамлакатнинг имижини сифат жиҳатдан ўзгартириш, унга ижобий таъсир ўтказиш механизмларини амалга ошириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистон халқаро майдонда ўз нуфузини юксалтириш йўлидан борар экан, изчил ислоҳотлар жараёнида миллий рейтингни белгилайдиган халқаро агентликлар мавжуд ўзгаришларни муносиб баҳоламоқда.

"Мамлакатда янги босқичдаги ўзгаришлар бошлангунга қадар тегишли йўналишлар бўйича миллий рейтингларимизни юксалтиришга хизмат қиладиган, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг халқаро мезон ва стандартларга мувофиқлигини баҳолайдиган яхлит тизим яратилмаган эди. Халқаро майдондаги нуфузимизни ошириш нечоғлиқ муҳим эканини ўз фаолиятининг дастлабки кунларидаёқ таъкидлаган Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу борада қатор ғояларни илгари суриб, барча зарур ташкилий-ҳуқуқий чораларни белгилаб келмоқда. Президент вазифасини бажаришга киришган илк даврдаёқ очиқлик сиёсатини устувор йўналиш сифатида белгилади. Бунинг натижаси ўлароқ, Ўзбекистон дунё ҳамжамияти учун очилиб бормоқда", дейди "Тараққиёт стратегияси" маркази ижрочи директори Элдор Туляков.

Унинг таъкидлашича, "Ташқи сиёсат соҳасида дунёдаги барча давлатлар, аввало, қўшни мамлакатлар билан яхши қўшнилик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга устувор эътибор қаратилиб, ўзаро тенглик ва манфаатдорликка асосланган, очиқлик ва хайрихоҳлик руҳидаги конструктив, прагматик сиёсат юритилмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон дунёнинг 166 дан ортиқ давлати билан савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйгани бу фикрнинг ёрқин далилидир. Умуман, ташқи сиёсатда амалга оширилаётган диверсификация Ўзбекистоннинг халқаро имижи юксалишида муҳим роль ўйнамоқда".

Республиканинг жаҳон медиа маконидаги имижини сифат жиҳатдан ўзгартириш жараёнида оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда бошқа етакчи соҳалар, хусусан, ташқи сиёсат, дипломатик алоқалар, халқаро ташкилотлар доирасида йўлга қўйилаётган ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

2018 йилнинг 22 июнь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш" резолюцияси қабул қилингани бунинг ёрқин мисолидир. Ўзбекистон томонидан Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ушбу ҳужжат лойиҳасини БМТга аъзо барча мамлакатлар бир овоздан қўллаб-қувватлади. Мазкур резолюция Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ташаббуснинг амалий натижасидир.

Мамлакат имижини сифат жиҳатдан ўзгартириш, унга ижобий таъсир ўтказиш механизмларини жорий этишнинг юқорида қайд этилган масалалари ўз долзарблиги ва республикамиз тараққиётидаги ўрни билан аҳамиятлидир. Бу борада амалга ошириладиган барча ишларга концептуал ёндашиш зарур.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёров

«Янги Ўзбекистон» газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 805.
36 333 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
ЎзА якуни — 01:00 Топширилди — 02:10 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржовов
Навбатчи: Гулчирой Исоқова
Мусаҳҳиҳ: Мафтуна Мингбоева

Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15